O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 5-iyun, chorshanba ✸ № 23 (827) ✸ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✸ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✸ www.uzhurriyat.uz

АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ ВА МАНФААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Марказнинг асосий мақсади юртимиздаги хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини, ижтимоий фаоллигини ошириш, касбий, ижодий, маънавий салоҳиятини оширишга йўналтирилган фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

➪ 2-бет

ЕЛКАДАГИ ЮКМИ ЁКИ МАСЪУЛИЯТ?

Аввало ёшларни ўқишга, илм олишга ундасак, одоб-ахлоқига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар хил ижтимоий тармоқларнинг чангалидан қутқарган бўламиз. Ёшлар билим олиш, ўқишдан кўра барча муваффақиятларга осонлик билан эришиш йўлини танлашади.

➪ 3-бет

ЧИЛЛАСИ ЧИҚМАГАН КЕЛИН

Барча муносабатлар изга тушиб кетди. Ҳаммаси яхши. Келиним ҳам, ўғлим ҳам меҳрибон. Қудам эса қилмишидан уялиб, кечирган бўлсам ҳам ҳозиргача кўзларимга қарай олмайди. Яратганга шукур, менга ҳам атаган ёруғ кунлари бор экан.

➪ 6-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✸ **Вашингтонда Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги элчихонаси томонидан уюштирилган мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, жумладан, чет эл сармоялари ҳажмини ошириш билан боғлиқ масалаларга бағишланган тадбирда Америка – Ўзбекистон савдо палатасига аъзо бўлган "General Electric", "Anadarko" ,"CNH", "Boeing", "Nukem", "FMN Logistics" ва бошқа компаниялардан вакиллар иштирок этди.**

✸ Германиянинг Рейланд-Пфальц федерал ўлкаси маркази – Майнц шаҳрида «Ўзбекистон маданияти кечаси» бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси ва Франкфуртдаги Бош консуллиги томонидан Майнц шаҳар университети билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.

✸ **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари, ҳуқуқшунослар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

УНИВЕРСИАДА МАШЪАЛАСИ БУХОРОГА ЙЎЛ ОЛДИ

Халқаро Олимпия ўйинлари машъаласи Грециядаги Гера ибодатхонасида қуёш нурларидан аланга олдирилади. Бундай ноёб хусусиятга эга маскан Ер юзининг саноқли жойида, жумладан, Тошкент вилоятининг Паркент туманида ҳам бор.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт мусобақалари машъалалари айнан шу ерда – Паркент туманидаги "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институтида қуёш нурларидан ўт олдирилади.

Талабаларнинг "Универсиада — 2013" мусобақалари машъаласи ҳам 4 июнь куни ана шу ерда аланга олдирилди.

Шу муносабат билан бу ерда ўтказилган маросимда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, талаба-ёшлар ва спортчилар иштирок этди.

Юртимизда спортни янада ривожлантириш ва оммавийлигини оширишга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик самарасида ёшларимиз орасидан халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган кўплаб спортчилар етишиб чиқмоқда.

...Давлатимиз мадҳияси янграйди. Қуёш нурларидан аланга олган "Универсиада — 2013" машъаласини Паркент транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Дилёр Диловаров майдонга олиб киради. Ушбу коллежнинг яна бир ўқувчиси Шаҳбоз Комилов машъалани қўлига олиб, Бухоро вилояти сари йўлга тушди.

"Универсиада — 2013" машъаласи олиб ўтилган шаҳар ва қишлоқларда тантанали маросимлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Паркент ва Юқори Чирчиқ туманларида ўтган ана шундай тадбирларда таниқли шоир ва ёзувчилар, спортчилар ҳамда санъаткорлар иштирок этди. Куй-қўшиқлар рақсларга уланди.

— Универсиада спорт мусобақаларини юксак савияда ташкил этилаётганини кўриб, кўнглимиз фахр-ифтихорга тўлмоқда, — дейди Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультети талабаси Насиба Бобоева. — Биз, ёшлар берилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлишимиз, ўзимизнинг аъло ўқишимиз ва самарали ишларимиз билан Ватанимиз ва халқимиз корига ярашимиз зарур.

Х.САЛИМОВ,
ЎзА мухбири,
М.АМИН
ЎзА олган суратлар

5 июнь – Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ҳамкорлик самараларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Алихонов, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н.Умаров, Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректори М.Ҳамидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида табиий бойликларни тежаш, атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтириш ва барқарор ривожланишга эришишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган ва мунтазам такомиллаштирилмоқда. Ер, сув, ҳаво ва бошқа табиат неъматлари ифлосланиши, камайиб кетишининг олдини олиш, чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган дастур ва лойиҳалар ўз самараларини бераётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 27 майда қабул қилинган «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги қарори соҳага қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Бугун сайёрамизда тобора долзарб тус олаётган экологик муаммоларнинг салбий таъсирларини камайтириш ва атроф-муҳитни муҳофазалашда малакали мутахассислар алоҳида аҳамият касб этаётир. Тошкент ирригация ва мелиорация институти ушбу йўналишда етук кадрлар тайёрлайдиган таълим даргоҳларидан биридир. Институт мамлакатимиз ва хориждаги нуфузли илм-фан марказлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, Голландиянинг Вагиненгин университети билан ҳамкорлик доирасида ташкил этилган жўғрофий ахборот тизимлари илмий-амалий марказида талабаларга юқори технологиялар воситасида таълим бериш учун барча имконият яратилган. Кадрлар тайёрлаш борасида ҳам мустаҳкам алоқа йўлга қўйилган. Вагинен-

гин университетида юртимиздан борган ўн нафар талаба таҳсил олмоқда. Голландиялик мутахассислар мамлакатимизга тез-тез ташриф буюриб, таълим ва амалий соҳаларда ўзаро тажриба алмашмоқда.

— Ўзбекистонда халқаро андозаларга мос замонавий таълим тизими яратилгани етук мутахассислар тайёрлашда ўзининг юксак самараларини бермоқда, — дейди Вагиненгин университети халқаро лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси Ева Виетсма. — Буни экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида етишиб чиқаётган ёш мутахассислар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ушбу йўналишда талабаларга таълим бериш учун яратилган имкониятлар тараққий этган хорижий мамлакатлардагидан қолишмайди. Бу жараёнда таълим, фан, амалиёт ҳамкорлигига, хусусан, халқаро алоқаларга кенг йўл очилгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Бундай ҳамкорлик малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фан тараққиётини жадаллаштириш орқали инсониятнинг келажак тараққиётига таҳдид солаётган кўплаб глобал экологик муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Халқаро анжуманда экологик таълимнинг институционал асосларини такомиллаштириш, сув ресурсларидан интеграллашган ҳолда фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишга доир янги технологиялар, иқлим ўзгариши муаммолари ва унинг олдини олиш масалалари, табиий ресурсларни мониторинг қилишда жўғрофий ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш истиқболларига оид маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ОБУНА – 2013

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар!
"HURRIYAT" газетаси маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.
2013 йил иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда.
Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг.
Обуна бўлинг!

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслатиб ўтамиз:
"HURRIYAT"нинг нашр индекси — 233

ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ БОКУ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Яқинда Боку шаҳрида ўтказилган "Жонли тарих" халқаро фестивали доирасида бўлиб ўтган тақдимотда Озарбайжон ҳукумати аъзолари, ишбилармон доиралар, кенг жамоатчилик, давлат ва хусусий сайёҳлик агентликлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, дипломатия корпуси ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

"Жаҳон" ахборот агентлиги хабарига кўра, тақдимот қатнашчилари шунингдек, Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини халқаро андозаларга мос тарзда такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларнинг кўҳна меъморий ва маданий ёдгорликлари ҳақидаги кўргазмали маълумотлар билан ҳам танишдилар.

Ўзбекистон бўлинмаси халқаро анжуманнинг кўп сонли меҳмонлари эътиборига ўзбек халқ усталари томонидан яратилган ранг-баранг мато ва миллий либослар, эсдалик совғалари ва бошқа амалий санъат намуналарини ҳавола этишди. Шу билан биргаликда томошабинлар тақдимотда ўзбек миллий таомларидан татиб кўриш имкониятига эга бўлишди.

Тақдимотда фикр билдирган қатор сайёҳлик компаниялари раҳбарлари сўнгги йилларда Ўзбекистон бўйлаб сафҳат қилиш истагида бўлган сайёҳлар сони ошиб бораётгани, бунинг сабаби мамлакатда сайёҳлик инфратузилмасини модернизациялаш ишлари кенг йўлга қўйилгани ҳамда янги кўнгилочар лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилаётганидир, дея таъкидлашди.

"Туркистон-пресс"

ИИВ таълим муассасаларида

ИЛМ – ҳуқуқий маданият омили

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида юртимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида инсон ҳуқуқларига доир миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ мамлакатимизда демократия умуминсоний принципларга асосланади. Демак, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадриятларимиздан ҳисобланади.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» ва Президентимиз томонидан 2001 йил 4 январда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишига асосан ички ишлар органлари ходимларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ўқитиш дастури қабул қилинган эди. Унга кўра, республикамиздаги барча ички ишлар органлари ходимларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўқитиш юзасидан 2012-2013 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди.

Дастурда вазирликнинг шахсий таркибига инсон ҳуқуқлари бўйича зарур билимларни бериш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Ушбу ўқитиш дастурида ИИВнинг таълим муассасаларида, шунингдек, барча ички ишлар органларининг маърифат, хизмат ва жанговар тайёргарлик дарсларида инсон ҳуқуқлари йўналиши бўйича қўшимча ўқитиш ишлари ўтказилишини ташкил этиш, ички ишлар органларида ва вазирлик таълим муассасаларида ходимларнинг тайёргарлик даражаси, маънавий-ахлоқий савиясини ошириб бориш, Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари ҳамда ички ишлар органларига Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), адлия, суд ва прокуратура органлари ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар вакилларини таклиф этган ҳолда конференция, семинарлар ўтказишни йўлга қўйиш, ички ишлар органлари қошидаги кутубхоналарни доимий равишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид ҳуқуқий адабиётлар билан бойитиб бориш, фуқароларнинг мурожаатлари, улардан тушаётган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиби бўйича тадбирлар ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларнинг назарий асослари, амалий аҳамияти, ички ишлар органлари ходимлари томонидан инсон ҳуқуқларининг бузилиши бўйича фуқаролардан тушган шикоятларни кўриб чиқиш тартиби каби мавзуларда машғулотлар ташкил этиш белгиланган.

Мазкур ўқитиш дастури асосида тайёрланган «Инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг мазмун-моҳияти, ушбу соҳага оид халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилигимиз талаблари» акс этган 20 дан ортиқ энг долзарб мавзулар барча ички ишлар органларида «Маърифат», «Сиёсий ижтимоий ўқиш» ва «Хизматга тайёргарлик» дарсларида ўтказиб келинмоқда. Шахсий таркибнинг мазкур соҳадаги ҳуқуқий билимлари вазирликнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси томонидан тайёрланган инсон ҳуқуқларига оид 200 дан ортиқ тест саволлари асосида такомиллаштирилиб, баҳоланмоқда.

Сўнгги беш йил давомида ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, БМТ Тараққиёт дастури ва Халқаро Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамиятининг минтақавий ваколатхонаси, Европа Иттифоқи каби халқаро ташкилотлар кўмагида «Инсон ҳуқуқларининг халқаро стандартлари ва назарий асослари», «Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва риоя қилиш бўйича мониторинг ўтказишнинг услуби», «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятининг халқаро стандартлари» каби мавзуларда ташкил қилинган 30 га яқин семинар-тренингда ички ишлар органлари ходимлари ўқитилиб, улардан 600 нафарга яқинига инсон ҳуқуқлари бўйича сертификатлар берилди.

Вазирлик академиясида, Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртида, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида, ИИВ академиясининг сержантлар тайёрлаш олий курсларида, Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Олмалиқ шаҳарларидаги сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари ўқув дастурларига инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича алоҳида фанлар киритилди. Хусусан, ИИВ академиясининг инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти кафедраси томонидан кундузги бўлим тингловчиларига «Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси» фани ўқитилаяпти. Академиянинг сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсантлари учун «Юридик тайёргарлик» курсидан «Ички ишлар органлари фаолияти ва инсон ҳуқуқлари» мавзусида ўқув машғулотлари олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ва юртдошларимизга ҳуқуқий маданиятини шакллантиришларида холисона кўмаклашиш, улар билан ўзаро ҳамкорликни янада юқори савияга кўтариш, олдимизга қўйилган устувор вазифаларнинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишида муҳим аҳамият касб этади.

Абдумалик КАРИМОВ,
ИИВ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси инспектори

Давр муаммоси

Ўтган асрнинг охирги чорагидан бошлаб "одам савдоси" атамаси тез-тез ишлатила бошланди. Бу муаммо ер юзидаги ҳар қандай оддий инсоннинг ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол қилиб, бировларнинг қўлида қул бўлишга маҳкум этади. Ана шундай жиҳатлари билан у энг оғир ва жирканч жиноятлардан саналади. Минг афсуски, бундай жиноятга қўл ураётган нопок кимсалар орамизда ҳали-ҳамон учраб турибди.

Огоҳ инсон хор бўлмас

Ҳозир одам савдоси жинояти бутун дунёда инсонларни камситиш, уларни қул сифатида сотиб юбориш, фоҳишабозлик мақсадларида фойдаланиш ва бошқа шаклларда кўриниш бермоқда. Жабрланувчиларнинг асосий қисмини жинсий эксплуатация қилиш учун чет элга олиб чиқиб кетилаётган аёллар ташкил этади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан «Трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция» ва уни тўлдирувчи «Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш бўйича Протокол»га мувофиқ одам савдосига қарши курашиш унга аъзо давлатларнинг мажбуриятига киради. Мазкур халқаро ҳужжатлар шуниси билан аҳамиятлики, улар қатор хорижий давлатларда одам савдоси жиноят сифатида миллий қонун ҳужжатларида белгиланишида ҳуқуқий-норматив асос бўлиб хизмат қилади.

Протоколда одам савдоси жиноят сифатида белгиланиб қолмай, ушбу жиноятдан жабр кўрганларни халқаро даражада ва миллий қонунлар билан ҳимояга олиш назарда тутилган.

Одам савдосига қарши курашиш, инсонларни чет элларда мажбурий меҳнатга жалб қилишнинг олдини олиш ҳамда бу борадаги жиноятларни таг-томири билан йўқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда республикамиз Соғликни сақлаш вазирлигининг 322-сонли буйруғи одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жиноят оқибатларини камайтириш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинган.

Жойларда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида тузилган комиссиялар аъзолари томонидан «Одам савдосига қарши курашишнинг олдини олиш» мавзусида мунтазам равишда давра суҳбатлари, семинарлар, йиғилишлар ўтказиб келинмоқда. Шундай экан, бу борада юртдошларимиздан ҳамиша огоҳлик ва ҳушёрлик талаб этилади.

Муҳаббат КОМИЛОВА,
Янгийўл тумани 2-сонли ДНИ нотариуси

ННТлар фаолиятидан

Аёллар ҳуқуқи ва манфаати доимий эътиборда

Баъзан яхши суриштирмай-билмай қизларни турмушга узатиш, йигитларни уйлантириш ҳолатларига гувоҳ бўламиз. Не-не орзу умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган ёшлар ҳали оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолганида эса бармоқ тишлашдан нарига ўтолмаймиз.

— Мен ҳам ўн саккиз ёшимда ота-онамнинг «яхши жой экан» деган қистови билан турмушга чиққандим, — дейди ўзини Гўзалой Пирматова деб таништирган аёл шу ҳақда сўз очганимизда. — Аммо турмуш ўртоғим отасининг эркатойи, кун-у, тун кўчадан бери келмас, тонгга яқин ширакайф аҳволда уйга қайтганида эса жанжал-тўполон бошланар эди. Тўрт йил у урса ҳам, хўрласа ҳам «ҳаёт шу экан-да» дея тишимни-тишимга қўйиб яшадим. Кунларнинг бирида калтак зарбидан буйрагим қаттиқ оғриб, касалхонага тушиб қолдим. Аҳволимни кўриб, раҳми келган ота-онам бизни ажратишди. Аммо... Тўрт йилда икки нафар фарзандининг онасига айлангандим.

Ҳаётда бундай мисоллар кўп. Чуқур ўйланмай қилинган иш кейинчалик кўплаб дилхираликларга сабаб бўлиши яхши маълум. Ота-онанинг хатоси туфайли нафақат ўз қизлари, балки мурғаккина икки қоракўзнинг ҳам бахти кемтик бўлиб қолди. Аслида боланинг тугал бахти учун ота-она меҳридан муҳимроқ нарса йўқ. Ҳаётда шундай оталар борки, аёли билан турмуши бузилган бўлса-да, фарзандлари олдидаги масъулиятни ҳеч қачон унутишмайди. Аммо ота бебурд бўлса-чи? Гўзалой опанинг эри ҳам ота деган улуғ номга нолойиқлардан экан. У фарзандларининг қонун билан белгиланган ҳақи — алиментни тўлашдан ҳам бўйин товлаш йўлларини қидириш билан овора. Хўш, бундай вазиятда ҳеч қандай касб-кори йўқ, ишсиз она икки фарзандини қандай парваришлайди? Қаердан чора қидиради?

Гўзалой Пирматовани ҳам ана шундай саволлар қийнаб турганида қўшниси Гулсуман опа бир гап топиб келди. Эмишки, бир ташкилотда у каби ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмайдиган аёлларга бепул ҳуқуқий-психологик ёрдам берилаётган экан. Гўзалой опа шу заҳоти мазкур ташкилотнинг ишонч телефонига қўнғироқ қилди ва учрашув белгиланиб, мутахассисларнинг бепул маслаҳатларини олди. Эндиликда Г.Пирматова ўз ҳаётини изга солиш учун нима қилиши кераклигини, қандай йўл тутиши лозимлигини яхши билади.

Қаҳрамонимизнинг қўшниси айтган ташкилот ҳақида тўхталиб ўтсак: у Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази(ФТҚМ) ҳисобланади. Биз марказ ходимлари билан боғланиб, айнан шу лойиҳа ҳақида сўрадик:

— Гўзалой Пирматова фойдаланган хизмат мазкур марказнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича интеграциялашган лойиҳаси доирасида амалга оширилмоқда, — дейди ФТҚМ раҳбари ўринбосари Чарос Жамолова. — Унга кўра, Тошкент, Фарғона ва Андижон шаҳарларидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар юрист ва психолог маслаҳатларидан бепул фойдаланиш имкониятига эга. *Ҳафтанинг душанба — жума кунлари оралиғида соат 10:00 дан 18:00 гача марказнинг +99871 227-35-02 рақамли ишонч телефонига қўнғироқ қилиб, исталган мавзуда ҳуқуқшунос ёки руҳшунос маслаҳатини олиш мумкин.*

Марказнинг асосий мақсади юртимиздаги хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини, ижтимоий фаоллигини ошириш, касбий, ижодий, маънавий салоҳиятини оширишга йўналтирилган фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Ҳозирги кунда у республика эркак ва аёллари ўртасида тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятлар масалаларини илгари суриш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив ҳуқуқ, репродуктив саломатлик масалалари, «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги БМТ Конвенцияси (CEDAW)ни амалга ошириш, мониторинг қилиш, мамлакатимиз аёллари ҳамда эркаклари ўртасида тенг ҳуқуқ, тенг имкониятлар масалалари борасида давлат, шунингдек, жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш каби мақсадлар йўлида хизмат қилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Фуқаролар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази бир қатор хайрли лойиҳаларни амалга оширди, бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Яқин тарихга назар ташлайдиган бўлсак: 2005-2006 йиллар давомида «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги БМТ Конвенцияси (CEDAW) ва Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (MDGs) доирасида гендер тенглиги йўлида Ўзбекистон — Хитой ҳаракат дастури амалга оширилди. Лойиҳа Осиё Тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги миссиялари томонидан қўллаб-қувватланди. Қолаверса, 2009-2010 йилларда юртимиз аёлларининг ҳуқуқий маданиятини

янада юксалтириш бўйича Тошкент, Қўқон, Навоий шаҳарларида ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг ижтимоий маргиналлик даражасини пасайтириш ва ижтимоий-иқтисодий имкониятларини кенгайтириш бўйича интеграциялашган лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди.

Яна бир гап: Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси (ЎзННТМА) ва юртимиздаги ЕХҲТ лойиҳалари координатори томонидан кичик ижтимоий лойиҳалар дастури доирасида қўллаб-қувватланган Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашиш лойиҳаси ҳам туман хотин-қизлари томонидан илиқ кутиб олинди. Бундан ташқари, «Шарқ ва Ғарб аёллари ҳамкорлиги камбағалликка қарши» шиори остида ўтказилаётган тадбирларни ҳам эслаб ўтиш жоиз. Дарҳақиқат, Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази томонидан амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа замирида юртимиз хотин-қизларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ётибди.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
«Hurriyat» мухбири

Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грант танловининг «Учинчи сектор ривожи йўлида ҳамфикр, ҳамқадам ва ҳаммаслак бўлайлик» номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.

Ёшлар ёшлик муаммолари ҳақида

Елкадаги юкми ёки масъулият?

Бир сўз билан айтганда, ёшларимиз юртимизнинг таянчи, суянчи, иқболи. Шундай экан, улар ҳақида кенгроқ фикрлаб, улар айни пайтда нима билан банд, нима ҳақида ўйлашади? Одатда келажак ворислари ҳақида фақат яхши гапларни айтишга ҳаракат қиламиз, салбий тарафларига эса кўз юмиб кетишимиз тўғрими? Шу каби масалалар ҳақида гап кетса, кимлардир кўпинча ёшларнинг ўзини айбласа, бошқалар ота-онасини гуноҳкор қилишади. Хўш, ёшлар, айрим тенгдошларимни нималар қизиқтиради? Эришаётган ютуқлари ва камчиликлари нималардан иборат?

Жамият тараққиётида ва миллий қадриятларни авайлаб-асрашда Истиқлолнинг аҳамияти ҳақидаги тушунчалар ёш авлод онгига нечоғлик мустаҳкам сингдирилса, шунчалик самарали бўлади. Уларда давлатимиз тараққиётининг ёрқин истиқболлари акс этган Ватан туйғуси жўш уради. Бугунги глобаллашув даврида миллий истиқлол ғояларини ёшлар онги ва қалбига сингдиришда ахборот технологиялари, жумладан, интернет тизимининг ўрни катта. Шу боис, мамлакатимизда ахборот-коммуникация ҳамда инновация технологияларини ҳаётга тадбиқ этишга, жамият ҳаётини ахборотлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда шунча имкониятларнинг яратилиши негизида биз ёшларнинг билим савиямизни янада ошириш, тафаккуримизни юксалтириш мақсади ётади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Конституциямизнинг 15 йиллигига бағишланган йиғилишдаги нутқи ва ёшларга бўлган ишончи ўлароқ 2008 йил — "Ёшлар йили" деб эълон қилинди.

Ёшларимиз ўз билимларини керакли даражада оширишлари учун турли форумлар ўтказилмоқда, грантлар жорий этилмоқда. Бундай имкониятлар соҳиби бўлмиш биз истиқлол фарзандларига катта масъулият юклайди... Мамлакатимиз равнақи, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида улуғ мақсадларнинг ҳаётга изчил татбиқ этиш кучимизга — куч, ғайратимизга — ғайрат бағишлайди.

Шу ўринда бири-биридан кенг имкониятлардан ҳамма ёшлар ҳам унумли фойдаланаяптими, деган саволга биргалашиб жавоб изласак, мушоҳада қилсак мақсадга мувофиқ бўларди.

Ёшлар ҳаётида интернетнинг ўрни беқиёслигини таърифлашга ҳожат бўлмаса керак. Замон билан ҳамнафас яшаш учун интернетдан мунтазам фойдаланиш ҳаёт талаби. Ҳар бир нарсанинг яхши ва ёмон, фойдали ва зарарли тарафлари бўлганидек, ёшларимизнинг онгига ҳам интернет ҳар хил таъсир қилмоқда. Ўқиган, ўқиётган ёшларимиз учун интернет бу билимлар манбаи, улар интернетдан деярли ҳар сонияда фойдаланишади. Чет эллардаги кутубхоналар билан алоқада бўлиб фикр алмашишади. Айрим ёшларимиз эса интернетдан ҳар хил ижтимоий сайтларга кириб нотўғри фойдаланишяпти, ўз онгларини заҳарлашяпти. Бунинг учун нима қилмоқ керак? Шу боис ёшларимизнинг ҳаётида интернет қандай аҳамиятга эга деган савол бериб, сўровнома ўтказдик.

Бундан мақсад ҳам мазкур масала юзасидан ёшларимизнинг фикрларини ўрганиш эди. Бир ой давомида 530 дан ортиқ ёшлар «Интернетдаги ижтимоий тармоқлар ёшлар ҳаётида қандай ўрин тутади?» сўровномасига ўз муносабатларини билдиришди. Қизиғи шундаки, ўқувчиларнинг 68 фоизи ушбу тармоқлар дўстлар орттириш, манфаатли танишувлар учун керак деган фикрни маъқуллаган бўлса, яна шунча фойдаланувчи тармоқларнинг ёшлар тарбияси ва одоб-ахлоқига салбий таъсир кўрсатаётганини тан олган. Демак, бугун ижтимоий тармоқлар қанчалик оммалашмасин, унинг салбий оқибатларини кўра билаётганлар сафи ҳам ошиб бормоқда. Ҳозирги глобаллашув жараёнида ва жаҳонда тан олинаётган ўзгаришлар содир бўлаётган бир пайтда биз нафақат бир инсон, балки бутун жамият ҳаётига ўз таъсирини ўтказиб келаётган ахборот технологияларининг ажойиб ихтироларидан бири бўлмиш интернет тармоқларини четлаб ўтолмаймиз. Жорий вақтда интернет тармоқлар деярли бутун дунёни қамраб олган. Айниқса, ёш авлод интернет тармоқларни жуда яхши кўради.

Аввало ёшларни ўқишга, илм олишга ундасак, одоб-ахлоқига салбий таъсир кўрсатадиган ҳар хил ижтимоий тармоқларнинг чангалидан қутқарган бўламиз. Ёшлар билим олиш, ўқишдан кўра барча муваффақиятларга осонлик билан эришиш йўлини танлашади. Хўш, бунга ким айбдор, ахир бола онадан ёмон ёки яхши инсон бўлиб туғилмайди-ку.

Масалан мен, ота-оналар бераётган тарбия ёшларнинг ривожланишида, жамиятда ўз ўрнини топишида биринчи омил бўлади, деб ўйлайман. Чунки биз учун қоронғу бўлиб кўринадиган йўлни ёритадиган ҳам, ибрат бўладиган ҳам бу ота ва оналардир. Ниҳолни ҳам тўғри парвариш қилиб эгилган пайтида тиргак қўйса, у келажакда тик ва равон ўсиб ўз мевалари билан инсонларни баҳраманд этади. Ёшларимиз ҳам шу ниҳол сингари тиргакка, далдага муҳтож. Шунинг учун ҳам ҳамма нарсада уларни айблайвериш тўғри эмас. Ёшлар тарбиясининг иккинчи омили эса бу муаллимлардир. Мактабларда, лицей ёки олий ўқув юртларида таълим бераётган муаллимларимиз ҳар бир боланинг ўша фанни мукаммал эгаллашини ҳоҳлашади. Аммо бир нарсани четлаб ўтиш керак эмас "Гуруч курмаксиз бўлмайди" деганларидек ёшларнинг ҳаммаси бирдек зўр, қобилиятли эмас. Буни ҳамма билади. Шундай экан, ишнинг осонини кўзлаб, ўқиётган болага эътибор бериб, қолганлардан юз ўгириш ҳам инсофдан бўлмайди. Жамиятда қотиллик, безорилик каби иллатларга қўл урадиган ёшлар ҳам борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Улар анчагина. Бир фалсафий китобда "Ҳар бир инсонинг қалбида бир гавҳар ҳар хил умидсизлик чўғлари билан кўмилиб ётган бўлади, ўша чўғни тозалаб гавҳарни юзага олиб чиққан инсонгина комил инсон бўла олади" деган жумлаларга кўзим тушганди. Ҳозир муаллимларимиз ўша биз тилга олиб ўтган гавҳарни топа билишяптими?

Менимча дарсларга бефарқ бўлган ўқувчи ёшларнинг ўз қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш керак. Бинобарин, аниқ фанларни яхши ўзлаштира олмаётган ёшларни ҳар хил тадбир, тантаналарда синаб кўриш фойдадан холи эмас. Кўпинча ўқимайдиган ёшлар жамоат ишларида жуда фаол бўлишади. Кўпгина масалаларни улар ҳал эта олади. Кўриниб турибдики, ёшларни ижтимоий тармоқлардан муҳофаза қилиш ўз қўлимизда экан.

Бутун умрини, жони-жаҳонини ўз зурриётига бағишлайдиган халқмиз. Токи кўзимиз очиқ экан, қувончу ташвишларимиз уларнинг соғлиғи, турмуши, муаммолари билан боғлиқ бўлади. Ўзингдан кўра фарзандларингни кўпроқ ўйлайсан, ўзингнинг ютуғингдан кўра, уларнинг ютуғидан кўпроқ қувонасан. Ота-она юз ёшга кирса ҳам етмиш-саксон ёшли боласи ташвишини қилади. Азал-азалдан шундай, қонимизга сингиб кетган одат бу. Чунки фарзанд ота-она умрини, эзгу амалларини давом эттиради. Вақти-соати келиб шу азиз Ватанни ҳам уларга мерос қилиб қолдирамиз. Аммо фарзанд эртага ота-онани рози қила оладими, шаънига раҳмат ёғдирадими, энг муқаддас мерос Ватанни кўз қорачиғидек асрай оладими, унинг шон-шуҳратини оширадими?

Оила бутунлиги, миллат келажаги, Ватан тақдири бугун ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликка боғлиқ. Ота-оналаримиз донишмандларнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокатдир», деган оташин даъватларини дилларига жо қилиб олсалар, ёшлар тарбиясида туб ўзгаришларга эришилади.

Ёшларимизга панд бериб қўядиган яна бир масала бу "муҳаббат"дир. Бу туйғуни барча ёшларимиз ўзларини дунё қарашлари орқали тушунишяпти. Муҳаббат аслида нима? — деган савол бўйича сўровнома ўтказилганда, уларнинг 80 фоизи кўчада қўл ушлашиб юриш, одоб-ахлоққа зид бўлган туйғуларни билдиришди. Қолган ёшлар эса аксинча, бу илоҳий туйғуни керакли пайтда ишлата билиш керак, дея жавоб беришди.

Жамиятимизда ҳозир бу туйғу жуда жадаллашган, хиёбонларнинг қай тарафида бўлманг, ўткинчи туйғуни муҳаббат деб қўл ушлашиб юрган жуфт-жуфт ёшларни кўрасиз. Бунга нима сабаб? Айни билим олинадиган, касб-ҳунар ўрганадиган пайтда шундай юришга уларни нима мажбурлаяпти?

Менимча бу саволнинг ўзаги ҳам яна юқорида таъкидлаган тарбияга келиб тақалади, фақат тарбия эмас улар яшаётган муҳит ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Бир нарса ғалати, ширин сўзларга учиб, ўткинчи ҳавасларга алданиб ҳатто ота-онасидан ҳам кечаётган, оқибатда эса афсуслар гирдобида ўралиб ётган ёшларимиз ҳам йўқ эмас. Балки ғарб киноларини кўриб ёшлар ўзларини "Еттинчи осмонда учиб юрибман", деб ўйлашаётгандир.

Ёшларнинг онгини ҳар хил нарсалар заҳарламаслиги учун шу онгни аввалроқ тарбиялаш керак-да. Айрим ўқиётган, интилаётган ёшларни ўзларининг гўзал кўзлари билан ром айлаб, кейин ташлаб кетаётган, муҳаббатдек соф туйғуни завол қилаётган қизлар-чи? Улар турмушни нима деб тушунадилар? Натижа шуки, арзимаган баҳона билан туйғулари ўйинчоққа айланган йигит ҳаётнинг ҳам таъмини йўқотиб қўяди.

Ёшлар ҳақидаги ушбу фикрларни давом эттираверсак, гап кўпаяди. Барчага ўқи, яхши бўл дея олмаймиз, аммо шу хатоларни кўра била туриб гапирмаслик ҳам ёмон. Ота-оналар ҳам ёшларни талтайтириб, менинг давримда яша болам, демасдан ҳаётнинг баланд пастини ўргатишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зотан, ҳаёт инсонга бир бора берилади. Шу ҳаётда мазмунли, чиройли, файзли яшаш эса инсоннинг ўзигагина боғлиқ. Диёримиз биз учун қанчадан-қанча имкониятлар яратиб бермоқда, бундан оқилона фойдаланишимиз керак.

Нодирбек МУҚИМОВ,
ЎзДЖТУ академик лицейи талабаси

Саломатлик сабоқлари

Кони фойда — танга роҳат



Эътибор берсангиз, кунлар исиши билан йўлларда велосипед қатнови «жонланади»-ган бўла бошлади. Узоқни яқин қилувчи ушбу воситага қизиқиш янада ортиб боряпти.

Чунки у атроф-муҳит учун зарарсиз, ёқилғи сўрамайдиган, ҳадеганда бузилмайдиган, энг муҳими, инсон саломатлиги учун кони фойда. Яна бир томони ундан ёш-у қари бирдек фойдаланиши мумкин.

Велосипед ҳайдаганда оёқ, қўл, тананинг барча аъзолари ҳаракатда бўлади. Бу эса инсон танасининг соғломлигини таъминлайди. Шу боис, у алоҳида спорт тури даражасига ҳам кўтарилган.

— Велоспорт инсон умрини узайтириб, унга куч-қувват бағишлайди, — дейди республика Олимпия захиралари коллежи услубчиси Любовь Михайловна. — Ёшлигимдаёқ юрак хасталигига чалинганман. Бироқ мен ўзимда куч топиб, велоспорт билан ҳанузгача шуғулланаман. Натижани эса кўриб турибсиз: ҳалигача соғломман. Велоспорт билан шуғулланган инсон энг аввало, қатъиятли, мақсад сари интилувчан бўлиб етишишини ўз ҳаётимда кўрдим. Юракнинг меъёрда уриши-ю, нафас олиш тизимининг яхши ишлашига шоҳидман.

Бу спорт турининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, у билан ҳар вақт ҳар ким шуғулланиши мумкин. Кўп ҳолларда мактаб ўқувчиларининг партада букчайиб ўтириш, гавдасини тик тутолмаслик ҳолатлари кузатилади. Бу эса кейинчалик жисмоний нуқсонга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳаракатни ёшликдан бошлаш яхши самара беради. Велоспорт билан шуғулланган бола организмида ижобий ўзгаришлар сезилиб, хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари ҳам яхшиланади.

Гулҳаё БОБОЖОНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Огоҳлик

Осойишталик қадри

Мамлакатимизда турли соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар жараёни жадал давом этмоқда. Факт ва рақамларга эътибор берсангиз мунтазам равишда иқтисодий ўсиш кузатилади. Тинчлик бор жойда файз-барака бўлади, деганлари шу бўлса керак. Биламизки, ҳеч бир нарса ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Биров уларни четдан келиб амалга оширмайди. Фаровон ҳаётни ҳам қуриб бермайди! Буларнинг ҳаммасини халқимиз ўз қўли, ақл-шуури билан бунёд этмоқда.

Яқинда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Учувчилар мажмуасида «Тинчлик ва осойишталик — ютуқларимиз асоси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда авиакомпаниянинг Учувчилар мажмуаси раҳбарияти ҳамда ерда хизмат кўрсатувчи таркиб ходимлари ва Ички ишлар вазирлигига қарашли транспортдаги жиноятларни бартараф этувчи милиция ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда ИИВнинг транспорт воситаларида террорчилик ҳаракатларини содир этишнинг олдини олиш, мураккаб вазиятларда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий инқирозга йўл қўймаслик, ёт ғояларга асосланган оқимларга қарши курашишга доир мавзуларда маърузалар тингланди. Шунингдек, йиғинда «Тинчлик учун курашмоқ керак» номли ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

Дарҳақиқат, шиддат билан ўзгариб бораётган таҳликали бир даврда айрим мамлакатларда бир томондан уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик, одам савдоси каби жиноятлар иккинчи томондан ғоявий таҳдидлар ва ахборот хуружи, диний экстремизм ва миссионерлик ҳаракатларининг авж олаётгани ва бу аҳолининг турмушига жиддий хавф солаётгани дунё аҳлини ташвишлантирмоқда. Таъкидлаш зарурки, терроризм ва дин ниқобидаги сиёсий экстремизм аллақачон миллий, этник, диний ва ҳудудий хусусиятини йўқотиб, халқаро муаммога айланди. Ўтган йилларда араб мамлакатлари минтақасида бошланган турли инқилоблар ва жанжаллар ҳанузгача барҳам топгани йўқ.

Тадбирда намойиш этилган фильмда шунингдек Ливия, Миср мамлакатлари, айниқса, Сурия давлатида тинч ҳаётнинг издан чиқиши оқибатлари батафсил ёритилган. Шу билан бирга, унда араб мамлакатларида ва бошқа ҳудудларда содир бўлаётган мудҳиш воқеалар таҳлил этилади ҳамда асосий сабаблар — турли қудратли мамлакатларнинг манфаатлари тўқнашуви, уларнинг табиий ресурсларга эгалик қилиш ва геосиёсий муҳим минтақаларни бошқаришга бўлган интилишлар фош этилган.

— Кўрсатиб ўтилган фильмдан олган таассуротларим асосида шуни айтишим мумкинки, — дейди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси борт кузатувчиси Нодирабегим Ҳасанова, — бундай мафкуравий хуружлар бизнинг ҳам миллий ва диний қадриятларимиз, мустақиллигимизга раҳна солиши мумкин. Бу эса ҳар биримиздан огоҳ ва сергак бўлишимизни талаб этади. Турли ваъдаларга алданиб, ўткинчи бойлик деб, нотаниш кимсаларга қарам бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлиш керак.

Тинчлик, Ватан ҳақида гап кетганда, бу бизнинг соҳа вакиллари учун энг улуғ тушунчалардир. Биз қай юртда бўлмайлик, доим уйга, яқинлар ёнига она тупроғимизга ошиқамиз. Ҳеч қаер маҳалланг-ўз уйингдай бўлолмайди. Бекорга халқимиз «Ўз уйинг — ўлан тўшагинг» демайди. «Агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, Ўзбекистон халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди», дейди Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида.

Дарҳақиқат, халқимизнинг мақсади буюк. Шу йўлда ҳар биримиз ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлишимиз, юрт равнақига ўзимизнинг имкон даражадаги ҳиссамизни қўшишимиз, осуда ҳаётимизни сақлашимиз талаб этилади, буни ҳаётимиз мезонига айлантиришимиз даркор.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

001 почтасидан

Лоқайдлик оқибати

Одатда кўплаб ёнғинлар фуқароларимизнинг лоқайдлиги ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаганлиги оқибатида содир бўлади. Бироз эътиборсизлик туфайли ҳар хил кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши ҳеч гап эмас.

Жумладан, қуйидаги воқеа ҳам ҳар биримизни огоҳ бўлишга ундайди. Сергели тумани Сергели 7-даҳасида истиқомат қилувчи Равшан ака кечаси алламаҳалда ёнаётган газ плитани ўчириш ўрнига, газни пастлатиб, пинакка кетади. Тонгга яқин у босинқираб уйғониб кетади ва ўзига келгач, ошхона томондан чиқаётган ёруғликни кўриб ҳайрон бўлади. Югуриб ошхонага чиқади. Қарасаки, ёнаётган плитанинг олови ошхонадаги дорга осилган кийим-кечакларга чирмашиб, улар ёнаётган экан. У ваннага кириб, сочиқни ҳўллаб, ошхонадаги газни ўчиришга уринади. Лекин тилсиз ёв — ёнғинга бас келиб бўлармиди? У тобора кучайиб, нам сочиқ ҳам ёниб, унинг қўли ва юзи алангадан куйиб, тан жароҳати олади. «Ёнғин» деб бақириб юборган Равшан аканинг овозидан уйғониб кетган оила аъзолари зудликда ёнғин хавфсизлиги хизматига телефон қилишади. Ёнғин хавфсизлиги ходимлари етиб келган вақтда ошхонанинг том қисми очиқ аланга билан қопланган эди. Хайриятки, вақтида қилинган ҳаракат туфайли хонадон эгалари хавфсиз жойга кўчирилиб, олов жиловланди. Аммо ёнғиннинг оқибатлари кўпинча катта миқдордаги моддий зарарларга, ҳатто инсонларнинг жабрланишига олиб келишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Шундай экан, бефарқлик оқибатида содир бўладиган бундай ёнғинларнинг олдини олиш учун ҳар биримиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда, газ ва электр қурилмаларидан тўғри фойдалансак, ўзимиз ва оиламиз, қолаверса, қўни-қўшниларимизнинг тинчлиги ва соғлиғини асраган бўлардик.

Уйғун КЕЛДИЁРОВ,
Сергели тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

Тараққиёт робиталарида

www.ziyouz.com: Зиё истаган қалблар учун

Китоб инсоният томонидан қилинган кашфиётлар ичида энг аълоси сифатида асрлар давомида жамият тараққиётига беминнат хизмат қилиб келаётир. Аммо кейинги пайтларда "асрлар синовидан ўтган" дўстимизнинг ўрнини техника ривожи "мева"лари эгаллаши ҳақидаги башоратлар қулоққа чалинмоқда. Бунга ахборот технологиялари, жумладан, интернетнинг "бурун суқмаган" соҳаси қолмаётгани сабаб бўлаётир.

Ҳозир жаҳондаги кўпгина босма оммавий ахборот воситаларининг адади камайиб, уларнинг онлайн версиялари кўпроқ ўқилаётгани бундай тахминларни тасдиқламоқда. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: кун келиб анъанавий китоблар ўрнини электрон китоблар эгаллаб оладими? Бундай қарашлар ўз исботини топадими-йўқми буни, албатта, вақт кўрсатади. Нима бўлганда ҳам бугун бу борада мутахассисларнинг фикрлари умидбахш. Тўғри, китобхон электрон китобни тез ва қулай шаклда ўз смартфонига ёки планшет компьютерига кўчириб олиб, ўқиши мумкин. Бундай нашрдан ўқувчи исталган вақтда, дунёнинг ҳар қандай нуқтасида интернет орқали фойдалана олади.

Бироқ тадқиқотчилар мутолаа учун афзаллик борасида электрон китоблар қоғоз китобларга ета олмаслигини таъкидлашмоқда. Жаҳон китоб бозоридаги жараёнларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, электрон китобларнинг ишлаб чиқарилиши босма китобларнинг камайиб кетишига сабаб бўла олмаяпти. Аксинча, китобларнинг электрон версиялари босма китоблар учун реклама вазифасини бажараяпти. Мутахассислар мазкур ҳолатни шарҳлар экан, ўқувчи электрон вариантда бир марта севиб ўқиган китобининг босма шаклини, албатта, сотиб олади, дея таъкидлашмоқда.

Дунё китоб бозорида кечаётган бундай ўзгаришлар мамлакатимиз китоб ишлаб чиқариш соҳаси учун ҳам бегона эмас. Ҳукуматимиз томонидан китоб чоп этиш ва китобхонлик масаласига алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда жаҳондаги мазкур ҳолатларни беэътибор қолдириб бўлмайди. Дунёда содир бўлаётган ушбу жараёнларни инобатга олган ҳолда яқин келажакда бизда ҳам китоб тарғиботининг катта қисми электрон тармоқларга ўтади, деб айта оламиз. Жорий йилнинг апрель ойи статистик маълумотларига кўра, мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 10 миллион 42 минг 642 кишини ташкил этди. Кун сайин ошиб бораётган мазкур рақамлар электрон нашрлар ўқувчилари сонининг ўсаётганини исботлайди.

Яна рақамларга мурожаат қилсак: ziyouz.uz ва ziyouz.com порталларида ёшларнинг қайси турдаги кутубхоналардан фойдаланишлари, керакли ахборотни қаердан олишларини ўрганиш мақсадида сўровнома ўтказилди. 2533 нафар респондент иштирок этган ушбу сўровнома натижалари ўрганилганда қатнашчиларнинг кўпи интернет кутубхоналарга мурожаат қилишларини билдиришди. Тўпланган овозлар сонига кўра, иккинчи ўринни босма усулда чоп этилган китоблар билан ишлайдиган кутубхонани афзал билувчилар банд этишди. Электрон китоблардан фойдаланувчилар кўпаяётган экан, глобал тармоқда ўз тилимиздаги илмий-оммабоп, бадиий, публицистик, тарихий, мумтоз адабиётларимиз намуналарига бўлган талабни қондириш, китобхонга исталган адабиётнинг электрон шаклини осон топиши учун шароит яратиш лозим. Ziyouz.com. ва ziyouz.uz порталлари мазкур масалаларда ўқувчиларга яқиндан ёрдам беришни мақсад қилган.

Бугун ўзбек тилида энг катта манбага эга бўлган мазкур порталлар электрон нашрларнинг оммалашувида ўз ўрнига эга. Ziyouz.uz порталидан 14 мингдан ортиқ илмий-оммабоп, маърифий мақолалар, 3381 та электрон китоблар, 1759 дона насрий асар (ўзбек адабиётидан), жаҳон адабиётидан эса 465 та насрий ижод намуналари, 900 дан ортиқ ижодкор фаолиятига оид маълумотлар, 124 нафар ўзбек мумтоз, 281 нафар замонавий ўзбек шоирлари, 246 нафар жаҳон шоирлари ижодидан намуналар ўрин олган. Бундан ташқари, халқ оғзаки ижодиёти намуналари — эртак, мақол, топишмоқ ва ҳикоятлар ҳам порталимиздан жой эгаллаган. Унга ҳар куни 5-6 минг фойдаланувчи мурожаат қилишини инобатга олсак, порталдаги маълумотларнинг нечоғли зарурлиги кўринади. Уч тилда фаолият юритувчи мазкур порталнинг Facebook, Twitter, Youtube ижтимоий тармоқларида ўз саҳифалари мавжуд. Уларда кунига минглаб ёшлар маърифий мавзуларда фикр алмашиш имконига эга бўлмоқдалар. Қолаверса, ўзбек адабиёти намуналарини жаҳон ҳамжамиятига таништиришда ҳам порталимиз алоҳида ўринга эга. Маълумотларга кўра, порталга ўзбекистонликлардан сўнг россияликлар (йилига 255 минг), АҚШликлар (170 минг), корейслар (32 минг), турклар (26 минг), хитойликлар (24 минг), қозоғистонликлардан (23 минг) киши, жами 160 дан ортиқ давлатлардан мухлислар мурожаат қилишади. Бу ўзбек адабиёти, публицистикасидан хорижий мутахассисларнинг ҳам бохабар бўлишларида ғоят муҳим.



Порталимиз ёрдамида хорижда чоп этилган бир нечта ўзбек адабиёти намуналари ҳам мавжуд. 2009 йили ziyouz.com билан ҳамкорликда Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг янги топилган ҳамда илгаридан маълум бўлган ҳикматлари йиғилиб, турк тилига таржима қилинди ва "Divan-i Hikmet" номи остида Анқарада чоп этилди. Айни китоб 2011 йилда ҳам 6 марта босмадан чиқди. Шунингдек, Нажмиддин Кубро, Абдухолиқ Ғиждувоний, Юсуф Ҳамадоний асарлари ҳам турк тилига таржима қилинди. Бу мамлакатда Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари", Худойберди Тўхтабоевнинг "Жаннати одамлар", Ойбекнинг "Қутлуғ қон", "Улуғ йўл" романлари ҳам таржима қилинди. Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида "Она Ватан эртаклари" номли китоб ўзбек ва корейс тилларида чоп этилди. Шарқий Туркистонда бир қанча ўзбек адибларининг асарлари мухлислар қўлига етиб борди.

Қилинаётган бу хайрли ишлар киши қалбида фахр-ифтихор уйғотади, албатта. Аммо бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳам ҳали талайгина. Интернетда ўзбек тили, тарихи, адабиёти ва маданиятини кенг тарғиб қилиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бор. Бунга ёшларни кенг жалб этиш ижобий натижалар беради. Бунинг учун эса, аввало, ёшларни интернет китобхонлигига жалб этиш лозим. Онлайн танлов, викториналар уюштириш, форум ва ижтимоий тармоқларда адабиёт, маънавиятни тарғиб этиш, ёзувчи, шоир ҳамда жамоат арбобларининг сайтларини ривожлантириш, Facebookда уларнинг саҳифаларини ташкил этиш, адабиёт, маънавиятни тарғиб этадиган сайтларда нашриётлар чоп этаётган янги китоблар рекламасини кучайтириш каби ишлар борки, улар кейинчалик электрон босма нашрларнинг ривожига ёрдам беради.

Давронбек ТОЖИАЛИЕВ,
www.ziyouz.com ва www.ziyouz.uz маърифий порталлари бош муҳаррири

Тадқиқот

ЗАМОНАВИЙ ТАҲРИРИЯТ ҚАНДАЙ БЎЛГАНИ МАЪҚУЛ?

Вақт ўтгани сари соҳаларга қўйиладиган талаблар ҳам ўзгариб боради. Масалан, бугунги ахборот асри ҳам газета ва журналларга нисбатан муносабатни ўзгартириш кераклиги хусусида бонг урмоқда. Бу сўнгги йилларда одамлар ахборот олиш имкониятига эга бўлган энг замонавий техника воситалари, хусусан, компьютер ва мобиль телефонларнинг бир неча авлодлари истеъмолга чиққанлиги ва бу жараён ҳамон давом этаётгани билан боғлиқ. Тан олиш керак, ушбу технологиялар айни пайтда оммавий ахборот воситалари билан медиа майдонида рақобатга киришиб бўлди. Бу журналистика соҳаси мутахассисларининг, шунингдек, йирик-йирик медиа магнатларнинг пайтавасига қурт туширди.

Шундай қилиб мазкур рақобатда газета ва журналларнинг "жони"ни омон сақлаб қолиш мумкин?

Босма нашрларнинг келажакда ҳам оммавий ахборот воситаларидан бири сифатида фаолият юритишини таъминлаш учун қандай ислоҳотларни амалга ошириш керак?

Аслида замонавий таҳририятларнинг тузилиши қандай кўринишда бўлгани маъқул? Шу сингари саволларга жаҳоннинг етакчи нашрларида таҳририят менежмент тизими йўлга қўйилган жамоалар тажрибасини ўрганиш орқали жавоб топиш мумкин. Бу борада амалиётчиларнинг жавоби шундай бўлаяптики, қандай қилиб бўлса ҳам газета ва журналларнинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий фойда олиниши керак. Бу давр талаби. Хўш, қандай қилиб, таҳририятнинг материалга ва пулга бўлган талабини қондириш мумкин? Бунинг учун таҳририят жамоасини қандай шакллантирган маъқул? Қайси йўл билан бир маромда жамоа сафини кенгайтириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади?

Бу саволларга ҳам бир оғиз сўз билан жавоб бериш қийин, албатта. Тажрибадан аёнки, нуфузли нашрлар таҳририятида жамоа таркиби анча катта. Айрим, нисбатан кичиклари оз, аммо соз кадрлар билан ишлашга одатланган. Ҳар қандай вазиятда ҳам ушбу масалада бир қатор омилларни ҳисобга олишга тўғри келади. Масалан, нашрнинг даврийлиги, ҳажми — неча саҳифадан иборатлиги, бичими, газета ва журналнинг тури, аудиториясининг табиати, таҳририят ходимларининг профессионаллик даражаси каби омиллар шулар жумласидандир. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва ишчи кучининг бозордаги қиймати ҳам бу борада катта таъсир кўрсатишини таъкидлаш ўринли.

Замонавий бозор иқтисодиёти (иқтисодий инқироз) кўплаб нашрларнинг ташкилотчилари ва муҳаррирларини ноиложликдан чегаралаб қўймоқда. Оз ишчи кучи билан нашрнинг нуфузини сақлаб қолишга мажбур этмоқда. Бундай вазиятлар тарихда ҳам кўплаб учраган.

Жамоани ихчамлаштириш таҳририятда қолган асосий ходимлар зиммасига чет муаллифларни топиб мавзули материалларни тайёрлаш, ташкил этишни юклайди. Чет муаллифларга эса фақат қалам ҳақи тўланади. Аммо ҳар қандай қаламкаш ҳам бир оғиз илтимос билан газета саҳифасини обод қиладиган мақола ёзиб беравермайди. Гоҳида ҳар хил маломатларга қолиб кетмаслик учун улар таҳририят билан шартнома тузишни таклиф этишади. Меҳнат муносабатларидаги бу ҳолат нашрларнинг даврийлигини, замон билан ҳамқадамлигини секинлаштиради. Табиийки, газета кам чоп этилганидан кейин унинг иқтисодий имконияти ҳам шу даражада бўлади. Натижада таҳририят раҳбарлари штатда ишлайдиган ходимларига ойлик беришни сезиларли даражада камайтиради. Бу эса иш унумдорлигини янада пасайишига олиб келади.

1

Кўпинча бундай ҳолатларда менежерлар нашр раҳбарларига штатдаги ходимларнинг сонини камайтиришни маслаҳат беради. Аммо йирик, тажрибали нашр раҳбарлари ўз мухбирлари билан орани узил-кесил очиқ қилишга шошилмайди. Айниқса, хориждаги мухбирлар турли ҳудудлардан турфа мавзуларда долзарб мақолаларни ташкил этиб, газета саҳифаларида эълон қилинадиган мавзуларга ранг-баранглик бағишлайди. Бу эса газетачиликда муҳим аҳамиятга эга.

Ана шундай ҳолатлар юзага келганида муҳаррирлар ва нашр ташкилотчилари таҳририят менежментини тўғри йўлга қўя олса жиддий муаммоларга дуч келмайди. Чунки журналист кадрларни танлашда, энг мақбул жамоани шакллантиришда менежер муҳим аҳамият касб этади.

Босма нашрларда нечта ходим ишлаши керак? Таҳририят қандай ишчи кучига муҳтож? Шу жумладан, қандай журналистлар, техник ва тижорат мутахассисларига эҳтиёж бор? Бундай саволларга жавоб топишда менежерларнинг маслаҳатлари муҳаррирга катта ёрдам беради. Шу зайлда улар таҳририятда кадрлар сиёсатини шакллантиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Афсуски, ҳали матбуот нашрларининг менежментини шакллантириш борасида анчагина тер тўкишга тўғри келади.

Тан олиш керак, таҳририятларда ҳар доим ҳам энг мақбул жамоани йиғишнинг иложи йўқ. Яъни ўзини журналист ҳисоблаган ҳар кимни ишга олиш ўзини оқламайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам ОАВ таҳририятларида меҳнатни тақсимлаш жараёни бир нечта йўналишлар бўйича амалга оширилади. Кўпинча бу иш соҳага қараб аниқланади. Масалан, кўпгина газета ва журналларда журналист-иқтисодчи, халқаро шарҳловчи, сиёсий мутахассислар, ҳуқуқий ва ижтимоий муаммолар, фан, маданият ва таълимга ихтисослашган кадрлар фаолият юритади. Баъзи таҳририятларда эса жанрлар бўйича ихтисослашган — ходимларни кўриш мумкин. Уларнинг маҳорати нашрга материаллар тайёрлаш ва чоп этиш жараёнида яққол кўзга ташланиб қолади.

2

Шунинг учун таҳририят жамоасини ижодий, техник ва тижорий ходимларга бўлиш катта фойда келтиради. Кадрнинг жамоа орасида ўз ўрнини топиб олишида ёрдам беради. Агар қайси таҳририятда бундай йўл тутилмаган бўлса, ходимларнинг ишида пасайишни кузатиш мумкин. Улар топшириқни секин ва хато бажариши мумкин, бу вазиятда унга четдан ёрдам беришга тўғри келади.

Ишнинг бу тарзда кетиши, шубҳасиз, харажатларни кўпайтиради. Шу боис ўз ўрнига мос келмайдиган ходимни ишлатиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди. Бундай шароитда уни бошқа вазифага ўтказиш ё кўнглини оғритмасдан ишдан бўшатиш лозим. Бу ҳолат нашрнинг обрўсига, ижтимоий мавқеига салбий таъсир ўтказмаслиги керак. Таҳририятда ҳар доим юқори малакали профессионал журналистга, нашрни чоп этишга қурби етадиган мутахассисларга эҳтиёж катта. Фақат шундай кадрларгина газета ва журналларни омма орасида эътибор топтириши, харажатларни камайтириши, таҳририят иқтисодига фойда қўшиши, яхши материаллар ташкил этиши мумкин.

Кўпчиликка яхши маълум, таҳририят жамоаси турига қараб бир нечтага бўлиниши мумкин. Масалан, сиёсий газетада репортёрлар, иш юритувчи, журналист-иқтисодчи, ижтимоий ва ҳуқуқий муаммоларни шарҳловчи ҳамда соҳани яхши билувчи бошқа мутахассисларга ҳамиша эҳтиёж бор. Агар таҳририят бунга эришган бўлса, уни ҳар томонлама мукаммал нашр дейиш мумкин. Биринчи навбатда, бу ерда журналистлар, иқтисодни яхши биладиган мутахассислар, бозор ва биржани яхши тушунадиган, реклама ҳамда статистикадан хабари бўлган кишилардан кейингина репортёрларга эҳтиёж сезилади.

3

Бош муҳаррир нашрни ривожлантириш учун жамоани моҳирлик билан бошқара олиши, ходимлар ўртасида имконият даражасида ишни тўғри тақсимлай олиши керак. Бу қайсидир маънода иш суръати ва сифатининг ошишига хизмат қилади. Агар журналистнинг қобилияти, қарашлари ва қизиқишлари тўғри баҳоланган ҳолда унга ўзига мос иш ва вазифа юклатилса, шубҳасиз, у бажарган иш профессионал даражада бўлади. Натижада таҳририятга катта фойда келтириши мумкин. Бу иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдалидир. Ишчи ходимларнинг мана шу йўсинда тақсимланиши у ерда менежментнинг аниқ бир мақсадда фаолият олиб борилаётганидан далолат. Бу газета ва унинг журналистларининг обрўсига яхшигина таъсир кўрсатади. Обрў газетанинг барқарор қиёфасини белгилайди, у муштарийларнинг узоқ вақт давомида кўпайиб боришига хизмат қилади. Бунга эришиш учун мавзуларнинг аҳамияти, нашрдаги чиқишларнинг мазмун-моҳияти, дизайнининг бадиий жиҳатдан мукаммал бўлиши талаб этилади. Сўзсиз бир неча журналист ҳам газетанинг обрўсини белгилаши мумкин. Масалан, эл орасида таниқли бўлган журналистларнинг ишга қабул қилинишида ҳам айнан шу мақсад яширин. Газетани кимлар нашрга тайёрлаши доим жамоатчилик эътиборида туриши фикримизга асос бўла олади. Ушбу жиҳат нашрнинг медиабозорда машҳур ва рақобатбардош бўлишини таъминлайди. Шу боис таҳририят раҳбарлари иш жараёнида имижни ўз журналистлари билан бирга яратишга ҳаракат қилишади. Бунда таҳририятдаги соғлом муҳит, малака ва билимдонлик муҳим аҳамият касб этади.

Таҳририят жамоасини шакллантириш ва ходимлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун менежер бу борадаги имкониятлар ва манбаларни яхши билиши лозим. Ана шундай манбалардан бири — университетларнинг журналистика факультетларидир. Чунки мазкур билим юртларининг талабалари биринчидан, назарий билимларга эга бўлади, иккинчидан, турли оммавий ахборот воситаларида амалиёт ўтаб, матбуотчилик ҳақида анча кўникма ҳосил қилган бўлади. Тўғри, уларда нашрда ишлаш учун етарлича тажриба йўқ, лекин таҳририят жамоасини шакллантиришдаги бўшлиқларни улар ёпиши мумкин. Дипломга эга журналистларнинг эса аксарияти иш жараёнида ўзини яхши томондан кўрсатгани тажрибадан яхши маълум.

4

Бу борада иккинчи манба шаҳарда чоп этиладиган рақобатчи нашрлар ҳисобланади. Таҳририятнинг иқтисодий барқарорлигидан фойдаланиб, менежер бошқа нашрларда ўзини кўрсатган кадрларни ўз жамоасига қўшиб олиши мумкин. Бунда ходимга яратиб бериладиган шарт-шароит ва қизиқарли иш, катта маош ваъда қилиш муҳим аҳамият касб этади. Лекин барча мутахассисларни бу усул билан авраб бўлмайди. Чунки улар узоқ йиллар таҳририятда ишлаган, у ернинг баланд-пастини яхши билади.

Учинчи манба эса таҳририятга алоқаси бўлмаган чет муаллифларнинг хизматидан унумли фойдаланиш. Бундай йўлни тутганда таниқли журналистлар, саводли, ёзадиган ижодкорларни, ўқитувчиларни, талабаларни ва бошқа эркин ижодкорларни материаллари билан қатнашиб туриши учун жалб этиш керак. Албатта, бу жараён осон кечмайди. Бу кишилар одатда ўзларининг севимли иши билан банд бўлади. Аммо улардан арзийдиган мақолалар ҳам ундириб олиш мумкин. Чет муаллифларни йўқотиб қўймаслик учун менежер улар билан раҳбарият ўртасида боғловчи кўприк вазифасини ўташи керак.

Таҳририятда менежментлик фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати, у ҳамма ходимларни иқтисодий фикрлашга ўргатади. Ҳозир кўплаб нашрларнинг раҳбарлари ўз жамоасини бир неча иқтисодий принциплар асосида бошқаришга ҳаракат қилмоқда. Улардан биринчиси, босма нашрнинг фойда кўриши. Фақат фойда кўришгина газетанинг мавжудлигини таъминлаб туриши мумкин. Шунинг учун барча ходимларнинг кучи шу мақсадда бирлаштирилади.

Иккинчиси — нашрнинг рақобатбардошлигини таъминлаган ҳолда чоп этилган ҳар бир сондан фойда олиш. Ана шундагина кучли рақобат майдонида бошқа нашрлар орасида илдамлашади.

Учинчиси — иқтисодий фаровонлик. Бу таҳририят менежерларига эмин-эркин ишлаш имконияти, куч ва энергия воситаларидан оқилона фойдаланишни вужудга келтиради.

Алоҳида таъкидлаш керакки, таҳририят менежменти унинг жамоаси ва фаолияти табиатига кескин равишда таъсир ўтказади. Кейинги йилларда амалиётда кўплаб нашрлар таҳририятида жиддий ўзгаришлар бўлиб, жамоанинг кенгаяётганини кузатиш мумкин. Шунинг баробарида унинг таркиби ва тузилишида ҳам ўзгаришлар катта бўлаяпти. Бир далилни келтириб ўтиш ўринлики, бу тарздаги жадал ўзгариш таҳририят жамоасини икки — ижодий ва иқтисодий қисмларга ажратиб қўйди. Ҳар икки қисмнинг ўз вазифаси бор. Таҳририятда менежер фаолиятини йўлга қўйган нашрларда ходимлар биринчидан бош муҳаррирга, иккинчидан бош менежерга бўйсунган ҳолда фаолият юритади. Уларнинг ҳар бири топшириқларни эркин ва бир-бирига халал бермаган равишда бажаришади. Шу билан бирга, улар бир-бири билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, таъсир кўрсатиши билан эътиборлидир.

Хулоса шуки, бугун жаҳонда босма нашрларнинг ташкилотчилари ва муҳаррирлари медиабозорда ўз муносиб ўрнини топишга интилаётир. Бу борада турли имконият ва вазиятлардан фойдаланишмоқда. Жумладан, таҳририят менежментини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки бу бозор иқтисодиёти шароитида анча қўл келадиган омил. Шундай экан, юртимизда ҳам бу борада катта қадамлар ташлаш вақти келган, назаримизда.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Дараклар

ЧЕХИЯ ТАРИХИДАГИ РЕКОРД

Чехиялик 23 ёшли Александра Кинова бирданига беш фарзандни дунёга келтириб мамлакат тарихида илк бор ўзига хос рекорд соҳиби бўлди. Пойтахт Прагадаги шифокорлар 2 июнь якшанба куни тўрт ўғил ва бир қиз- чақалоқни кесарево жарроҳлик амалиёти орқали туғдириб олишди. Шифокорларнинг айтишларича, туғруқ осон кечган.

Она ва бола парвариши институти неонатал бўлими раҳбари Збинек Странакнинг таъкидлашича, чақалоқларнинг соппасоғ катта бўлиши учун 95 фоизлик кафолат мавжуд. Туғилган ўғил болаларга Даниил, Михаил, Алекс ва Мартин деб исмлар қўйилган.

Қизалоқни эса ота-онаси Терезка деб аташга қарор қилишган. Шуниси қизиққи, чақалоқларнинг оғирлиги бир хил — 460 граммни ташкил этган. Шу пайтгача Александра бир ўғилнинг онаси эди. У шу йилнинг мартигача эгиз чақалоқларга ҳомиладаман, деб юрган эди. Бироқ навбатдаги текширувни ўтказган шифокорлар «қорнингда тўртта бола бор» деб онани ҳайратлантиришган. Апрель ойидаги текширувда эса Александра беш ҳомиласи борлигидан огоҳ бўлган.

Чехия маҳаллий газеталарининг хабар қилишларича, чақалоқлар дунё юзини кўраётган пайтда отаси уларнинг ёнида бўлган.

— Поезди кечикканига қарамасдан, бешовлоннинг отаси Прагадан 20 километрча узоқликдаги Миловиче шаҳарчасидан туғруқ хонага ўз вақтида етиб келди, — деб ёзади «Чешске новини» газетаси.

— Мен уйимдан чиқиб, йўл бўйи йиғлаб келдим, чунки бундай бўлишини ақлимга сиғдиролмадим, — дейди машҳур ота.

ЁНҒИН ҚУРБОНЛАРИ СОНИ ОШМОКДА

Хитой расмийларига кўра, мамлакатдаги паррандачилик фабрикаларидан бирига ўт кетиши оқибатида нобуд бўлганлар сони камида 119 нафарга етган. Яна ўнлаб одамлар жабр кўрган.

«Синьхуа» ахборот агентлигининг хабар қилишича, ёнғин душанба куни эрталаб Цзилин вилоятидаги фабрикада юз берган. Ҳозир аланга жиловланган. Талафотлар ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Тасдиқланмаган хабарларга кўра, ўт электр тармоғида юз берган қисқа туташувлар натижасида келиб чиққан.

Агентликнинг хабар беришича, ёнғиндан паррандачилик фабрикасининг 100 га яқин ишчиси омон қолган. Бинонинг ички тузилиши мураккаб ва чиқиш йўлаклари тор бўлгани сабабли қутқарув ишлари қийин кечмоқда. Бунинг устига ёнғин содир бўлганида фабрика дарвозаси қулф бўлган.

«Ичкарида қолиб кетганларнинг сони аниқ эмас, дея қўшимча қилади «Синьхуа» ахборот агентлиги.

ШАҲЗОДА ДИСНЕЙЛЕНДДА 15 МИЛЛИОН САРФЛАДИ



Саудия шаҳзодаси Фахд уч кун мобайнида Парижнинг Диснейлендида 15 миллион еврони совурган.

France-presse агентлигининг хабар беришича, Саудия Арабистонидаги подшоҳ оиласининг вакилларидан бири олинган дипломни "ювиш" учун паркнинг катта қисмини уч кунга ижарага олган. Париж Диснейленди бошқарувчиси Euro Disney компаниясининг маълум қилишича, шаҳзода бу кунларни тахминан 60 нафар меҳмонлар даврасида ўтказган. Euro Disney фирма ва хусусий шахслар учун мунтазам равишда байрам тадбирлари ўтказади.

AFPнинг хабар беришича, Париж парки 1992 йилда очилганига қарамай, мижозларнинг зиқналиги сабабли шу кунгача фойда кўрмай келарди.

МАРКАЗИЙ ЕВРОПА СУВ ДОМИДА

Муттасил ёққан ёмғир кўҳна қитъанинг марказий қисмида кучли сув тошқинларини келтириб чиқарди. Чехиянинг 50 та шаҳрида фавқулодда ҳолат эълон қилинган, Австрия ғарби ва Германия жанубида одамлар хавфсиз жойга кўчирилмоқда.

Сув тошқинлари туфайли шу пайтгача Чехияда етти киши ҳалок бўлган, Австрияда эса икки киши қурбон бўлиб, уч киши дом-дараксиз йўқолган. Германияда мамлакат жанубига маҳаллий аҳолига ёрдам кўрсатиш учун қўшимча армия бўлинмалари жўнатилган.

Айни дамда Прага метросининг 8 бекати ёпилган. Дарёлар билан кесишган 19 кўчада қатнов тўхтатилган. Энг оғири, Прага ҳайвонот боғидаги ҳайвонлар ҳам эвакуация қилинмоқда. 2002 йилдаги сув тошқинида эса энг катта зарар ҳайвонот боғига етган ва кўплаб ҳайвонларни қутқаришга улгурилмаган эди. Оқибатда, Прага ҳайвонот боғининг тимсоли бўлган фил нобуд бўлган эди.

Прага марказидан оқиб ўтувчи Влтава дарёсида ҳам сув сатҳи шиддат билан кўтарилиб бормоқда.

АММИАК ЁНИЛҒИ СИФАТИДА

Маълумки, бугунги кунда ёнилғи масаласи дунёдаги энг муҳим муаммолардан бири бўлиб турибди. Ушбу муаммони ҳал этиш учун Жанубий Кореяда аммиакдан ёнилғи сифатида фойдаланадиган автомобил ишлаб чиқилди.

Лойиҳа муаллифларининг таъкидлашича, аммиакни аралашма сифатида ҳар қандай автомобилга қуйиш мумкин. Бунинг учун тизимни бироз модернизация қилиш кифоя, холос. Корея энергетик тадқиқотлар институти томонидан ишлаб чиқилган мазкур автомобил ёнилғи сифатида 30 фоиз бензин ва 70 фоиз аммиакдан фойдаланади. Бу эса атмосферага ис гази чиқишини 70 фоизга камайтиради.

Ёнилғининг ягона камчилиги унинг ўта қимматлигидадир. Аммо ушбу янгиликнинг фойдали жиҳати шундаки, аммиак ёнишида умуман иссиқхона гази ҳосил бўлмайди. Ишланма муаллифларининг қайд этишича, Жанубий Кореядаги автомобилларнинг 20 фоизи янги ёнилғи билан ишлаганда атмосферага иссиқхона гази чиқишининг миқдори 10 миллион тоннага камайган бўларди.

Айтиш керакки, ёнилғининг муқобил турларини амалиётга жорий этиш борасида айни кунда бутун дунё олимлари бош қотиришмоқда. Жумладан, Россия Федерацияси ҳукумати яқин вақтлар орасида жамоат транспортининг ярмидан камроғини газга ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Интернет хабарлари асосида Юлдуз РУСТАМОВА тайёрлади.

Шарҳ

Ҳавога совурилаётган саломатлик

Тамаки истеъмоли инсон умрига зомин бўлаётган энг хавфли иллатлардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, ҳар йили ер юзида 6 миллиондан ортиқ киши кашандалик оқибатида ҳаётдан кўз юмади, дунё аҳолисининг 1,3 миллиарддан ортиғи (1,1 миллиард эркак ва 230 миллион аёл) кашандаликка гирифтор бўлган. Чекиш зарарли экани-ни ҳамма билади, аммо айримлар мен 10 йилдан бери чекаман, ҳеч қаерим оғирмайди, касал ҳам эмасман, аксинча, сигарета чарчоғимни ёзади, деб ўзларини ишонтиришга ҳаракат қилишади. Кашандалик организмга доимий салбий таъсир кўрсатувчи восита. Буни ҳар доим ҳам ҳис қилавермаймиз.

Тадқиқотчиларнинг шоҳидлик беришича, эркаклар томонидан ҳар куни чекиладиган 3,5 дона, аёллар чекадиган 2 дона сигарета улар умрини ўртача бир йилга камайтирар экан. Қизиқ бир далил. Тиббиётда тамаки маҳсулотларининг истеъмоли 50 дан ортиқ касалликнинг ривожланишига сабаб бўлиши исботланган. Юрак-томир касалликлари ва ўпка саратони шулар жумласидандир. Чекиш нафақат кашанданинг ўзига, балки оиласи ва ён-атрофдагиларга ҳам катта зарар етказади. Экологларнинг фикрича, бугунги кунда тоза ҳавони ифлослантираётган барча чиқиндиларнинг 1-2 фоизи тамаки маҳсулотлари тутуни ҳиссасига тўғри келади.

Тахминларга кўра, ҳозирги ҳолат давом этаверса, 2030 йилга бориб чекиш йилига 8 миллион инсон умрига зомин бўлади. Кашандаликка қарши кураш йўлида зарур чоралар кўрилмаса, асримиз охирига бориб, сигарет йилига бир миллиард одамнинг ёстиғини қуритади. Шу боис Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўзига хос чоралар мажмуини ишлаб чиқди. Тамаки истеъмоли мониторинги ва профилактика стратегияси, одамларни тамаки тутунидан ҳимоялаш, сигарета истеъмолини тўхтатиш мақсадида ёрдам таклиф этиш, тамаки келтириб чиқарадиган хавфлар тўғрисида огоҳлантириш, тамаки маҳсулотларини сотишни қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи рекламалар тақиқига риоя қилишни таъминлаш, тамаки маҳсулотлари солиғини ошириш каби чоралар кашандалик муаммосини аста-секин ечишига умид қилинмоқда.

XX асрда бевосита тамаки тутунидан келиб чиққан касалликлардан қарийб 100 миллион киши ҳаётдан кўз юмди. Бундай даҳшатли рақамларни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг экспертлари расман эълон қилган.

Тиббиёт чекишни турмушга оид гиёҳвандликнинг бир тури сифатида изоҳлайди. У энг кўп тарқалган «никотинизм» — тамакига боғланиб қолиш ҳисобланади. Тарихнинг тадрижий жараёнини ағдар-тўнтар қилиб юборган ушбу ўсимлик Европага Христофор Колумб томонидан XV асрнинг охирида олиб келинган. Америка соҳилларидаги биринчи денгиз сафаридан қайтаётганда командор аборигенлардан помидор, картошка ва жўхори билан бирга дастадаста қуритилган тамаки баргларини совға тариқасида олади. Бироқ унинг нималигини тушунмагани боис, денгизга улоқтиради.

Лекин иккинчи денгиз сафарининг охирида экзотик ўсимликнинг муаттар барги ва уруғлари барибир Испания ва Португалия ҳудудларига келиб қолди. Бунда тамаки маълум вақтгача манзарали ўсимлик сифатида ўстирилди. Бироқ тез орада уни сигара ва бурунаки — кукун сифатида истеъмол қила бошлашди.

XVI асрда тамаки Франциянинг Португалиядаги элчиси Жан Никонинг «шарофати» билан Францияни забт этди. Жан 1560 йилда Екатерина Медичига мигренга қарши восита сифатида озгина тамаки жўнатади. Модданинг номи айнан ўша дипломатнинг номидан келиб чиққан — никотин. Таассуфки, ўша давр шифокорлари тамакининг шифобахш хусусиятга эгалигига чин дилдан ишонишган. Ҳатто ундан нефрит ва жазавада, ошқозон санчиб оғриши ва саратонда, бош ва тиш оғриқларида фойдаланишган.

Тамакининг зарарли эканлигига иккита омил бор, улар бир-бирини тўлдириб, кучайтириб боради.

Биринчи омил шуки, тамаки тутунида психоактив алкалоидлар — никотин ва гармин бор. Уларнинг ҳар бири марказий асаб тизимини кучли аддитив рағбатлантирувчилиги билан гиёҳванд модда ҳисобланади. Гарчи бу моддаларнинг анчагина қисми тамаки ёнганида йўқолса-да, барибир чекувчининг организмига тез ва турғун ўрганиб қолишни қўзғаш учун етарли миқдорда никотин тушади.

Тадқиқотчилар никотиннинг наркотик кучи борасида турли фикрларни илгари суришади. Баъзи олимлар уни бир томондан алкоголь билан героин ўртасига қўйишса, иккинчи томондан, кофеин билан марихуана ўртасига қўйишади. Бироқ никотин табиатда маълум бўлган гиёҳванд моддалар орасида энг қаттиғи эканлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд. Кўпгина чекишни бошловчиларда унга тобелик биринчи сигаретадаёқ бошланади. Бу, айниқса, болалар ва ёш аёлларга тааллуқли.

Улар тамаки тутуни қуршаб олган хавфли доирага жуда тез мойиллик кўрсатади. Пайдо бўлган тортувчи куч эса сигарета тутунига яна ва яна жалб қилаверади. Энди чекишни бошлаётган одам кунига уч-тўртта сигарета билан кифояланадиган бўлса, кашандалар суткасига бир қутига ҳам қаноат қилмай қўяди.

Иккинчи омил — ичимизга ютаётган тутуннинг кимёвий таркиби. Кичкина, жимжимадор сигарета ўзидан 300 дан 500 тагача газсимон таркибий қисмлар ажратиб, улардан энг зарарлиси углерод оксиди ҳисобланади. Биринчи таркибий қисм — ҳаммага маълум ис гази бўлиб, у кучли заҳар. Даҳшатли томони шундаки, унинг молекулалари кислород молекулаларидан кўра анча фаолроқ. Улар вазифаси танамиздаги аъзо ва тўқималарга кислород ташиш бўлган гемоглобинни боғлаб қўяди. Ис газининг таъсири натижасида моддалар алмашинуви бузилади, марказий асаб тизими, жумладан, бош мия фаолияти тормозланиб қолади. Боз устига, кўпгина кўрсаткичлар бўйича тамаки тутунида зарарли таркибий қисмлар концентрацияси ўн минг баравар кўпроқ.

Чекиш чиндан ҳам ўлдиради! Мажозий эмас, том маънода ўлдиради. Сигарета қутисининг учдан бир қисмини эгалловчи жумла ҳар куни одамзодни ана шу ҳақда огоҳлантиради. Лекин биз ўзимизни ўқишни билмайдиган гўл одам қилиб кўрсатамиз ёки ўзимизни кўрмаганга оламиз.

Инсульт кашандалар дучор бўладиган дардлар орасида саратондан сўнг иккинчи ўринда туради.

31 май — Кашандаликка қарши кураш Бутунжаҳон кунида ЖССТ яна бир бор жаҳон мамлакатларини тамаки маҳсулотларини оммалаштириш ва молиялаштиришдан қайтаргани, унинг рекламасини тақиқлашга чақиргани ҳам бежиз эмас. Ташкилот экспертлари фикрича, бундай тақиқ чекишга қарши курашдаги энг оқилона йўл бўлиб, кўплаб инсонлар умрини сақлаб қолишнинг самарали воситаси ҳамдир. Ёшларни ҳимоя қилиш учун тамакига мутлақ тақиқ зарур, дейди ташкилот. Яъни тамаки рекламалари ҳамма жойдан радио,телевизор экранлари, интернет ва филмлардан ҳам олиб ташланиши, тамаки ширкатлари ҳомийлигида спорт тадбирлари ўтказишга рухсат берилмаслиги лозим.

ЖССТ маърузасида айтилишича, дунёнинг ривожланган мамлакатларида кашандалар сони камаяётган бир пайтда тамаки саноати ўз эътиборини Осиё ва Африкага, шунингдек, аёллар ва ёшларга қаратмоқда. Ташкилотнинг ноюқумли касалликлар профилактикаси Департаменти директори Даглас Беттчернинг айтишича, тамаки саноати етакчилари тамаки рекламаси одамларни кашандаликка ўргатишнинг энг самарали усули эканлигини яхши билишади. Тадқиқот натижалари ҳам чекишга ўрганган 13-15 ёшдаги ўсмирларнинг 70 фоизи реклама таъсирига тушиб қолганини намойиш этган.

Британияда чекиш жамоат жойларида тақиқланган. Чекиш мамлакатда ҳар йили 100 минг инсоннинг умрига зомин бўлаётган бир пайтда ҳукумат ёшларни бу зарарли одатдан қайтиришнинг янги йўлларини излашга мажбур бўлмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, Россия аҳолисининг 50 фоизи чекувчилардир. Россия ҳукумати ҳам кашандалар сонини қисқартириш йўлларини изламоқда.

Жаҳон бўйлаб кашандалар сони камайганига қарамай, дунё аҳолисининг атиги 6 фоизи истиқомат қиладиган 19 давлатдагина тамаки маҳсулотлари рекламасига тўлиқ тақиқ киритган. Шу пайтгача дунёнинг 65 дан ортиқ давлатида аҳоли гавжум жойларда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш қонун йўли билан тақиқланган. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам 1994 йилдан бери жамоат жойларида, тиббиёт масканларида, жамоат транспортида ва мактабларда чекиш расман тақиқланган. Ташкилотлар ва корхоналар жойлашган биноларда эса чекишга фақат махсус ажратилган жойлардагина рухсат этилган. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси эса жаҳонда биринчи бўлиб «барча самолётларда чекиш расман тақиқлаган» авиакомпания сифатида ном қозонди.

2011 йил 5 октябрда кучга кирган "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам соғлиқни сақлаш тизимининг самарадорлигини янада ошириш, аҳоли саломатлиги йўлида эришилаётган ютуқларни мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, мазкур Қонун алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг фуқаролар, биринчи навбатда, 20 ёшга етмаган шахсларнинг саломатлигига зарарли таъсирини камайтириш мақсадида уларнинг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклашни кўзлайди. Яъни бу борадаги қонунчилик ва ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ҳамда қонунчилик талабларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан уйғунлаштиришни назарда тутган.

Ушбу қонун шубҳасиз аҳоли, биринчи навбатда ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш, ичкилик ва кашандаликнинг ортидан келадиган касалликлар олдини олиш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин.

А.САЙБНАЗАРОВ

Reklama

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖда

ташкил қилинган савдолар натижалари ҳақида ахборот

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ тизимида 2013 йил 1 апрелдан 2013 йил июнга қадар 155-сондан 223-сонгача бўлиб ўтган тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштирилган кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқ савдоларда (жами 69 та кўчмас мулк объектлари) — 789 680 000 сўмга сотилди.

«SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ да 2013 йил 27 май ва 3 июнда бўлиб ўтган аукцион савдо натижалари:

Объект номи	Жойлашган манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)
198-сонли ер участкаси	Қоракўл тумани Тинчлик МФЙ ҳудуди	375 200
208-сонли ер участкаси	Қоракўл тумани Тинчлик МФЙ ҳудуди	375 200
209-сонли ер участкаси	Қоракўл туман Тинчлик МФЙ ҳудуди	375 200
210-сонли ер участкаси	Қоракўл тумани Тинчлик МФЙ ҳудуди	375 200
211-сонли ер участкаси	Қоракўл тумани Тинчлик МФЙ ҳудуди	375 200
1-сонли ер участкаси	Жондор тумани Ромиш ҚФЙ Қазоқон қишлоғи ҳудудида	373 200
2-сонли ер участкаси	Жондор тумани Ромиш ҚФЙ Қазоқон қишлоғи ҳудудида	373 200
199-сонли ер участкаси	Қоракўл тумани Тинчлик МФЙ ҳудуди	375 200

Вниманию организаций и предприятий!

ОАО «ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

На объект:

Модернизация отделения помола цемента и установка двух новых цементных мельниц мощностью 1 млн.тонн в год. Склады клинкера №№ 7 и 8.

Стартовая стоимость заказчика **без НДС — 1 743 438 677 сўм; с НДС 2 092 126 412 сўм.**

Срок завершения строительства — **8 месяцев.**

Заказчик: **ОАО «Қизилқумцемент».**

Расположенный **г. Навои — 3.**

Финансирование осуществляется **за счет собственных средств.**

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу** ***г.Навоий, ул.Гвасалия 2А. Тел.:8(436) 225-49-96, 225-47-98.***

Стоимость одного комплекта документов — **100 000 сўм.**

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: ***г. Навоий, ул.Гвасалия – 2А, Тел.:8(436) 225-49-96, 225-47-98.***

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

Услуги лицензированного

Reklama

Tashkent Realtor Service» МЧЖ

2013 йилнинг 24 май куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдолари натижаларини маълум қилади

1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Н.Обидов» агрофирмаси ҳудудидаги «ABDULXAY FAYZLI BOG'I» фермер хўжалигидан туман захирасига олинган жами 14,52 гектар ер майдонидаги 13,09 гектар ер майдонида жойлашган «Узумзор».

Бошланғич баҳоси 2 012 500 сўм — сотилиш баҳоси — 2 314 900 сўм.

2. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эркин» массиви «ACADOV LUTFULLO» фермер хўжалигидан туман захирасига олинган жами 23,83 гектар ер майдонидаги 5,43 гектар ер майдонида жойлашган «Боғ».

Бошланғич баҳоси — 33 43 4 000 сўм, сотилиш баҳоси —34 437 020 сўм.

3. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Туркистон» массиви «ALIMXONOV ERMAXON» фермер хўжалигидан туман захирасига олинган жами 23,26 гектар ер майдонидаги 1,32 гектар ер майдонида жойлашган «Боғ».

Бошланғич баҳоси — 4 118 000 сўм, сотилиш баҳоси — 4 735 700 сўм.

4. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «А.Икромов» массиви «HILOL ZAMIN MIRISHKOR» фермер хўжалигидан туман захирасига олинган жами 14,6 гектар ер майдонидаги 0,8 гектар ер майдонида жойлашган «Узумзор» ва 11,8 гектар ер майдонида жойлашган «Боғ».

Бошланғич баҳоси — 12 196 000 сўм, сотилиш баҳоси — 12 950 000 сўм.

Лицензия RR-0008

Инсон манзаралари

Чилласи чиқмаган келин

"Менинг тўрт ўғил, бир қизим бор. Уларни улғайтиргунга қадар бошимдан ўтган қийинчиликлар фақат Яратганнинг ўзигагина аён", — деб кўзларида ёш билан бошидан ўтганларини гапириб берди, ўзини Мавлуда опа деб таништирган аёл. Унинг ҳаётда кўрган-кечирганлари зора бошқаларга сабоқ бўлса, деган умидда айтганларини қоғозга кўчирдим.

"1998 йилда беш нафар ёш бола билан ёлғиз қолдим. Каттаси 15 ёшда, кичиги эса 4 ёшда эди. Турмуш ўртоғим оғир хасталик боис, оламдан ўтди. Фарзандлар тарбияси зиммамга тушди.

Бир куни катта қайноғам уйига чақириб: "Келин, укамнинг умри қисқа экан. Ўлим барчамизнинг бошимизда бор. Энди сен фарзандларинг билан нима қиласан?" — деганида, мен ўзимча "Менга, болаларимга ёрдам қўлини чўзаркан-да" деб ўйласам, у болаларимнинг иккитасини болалар уйига топширишимни ва катта овсинимга уй ишларида қарашиб юришимни, шундай қилсам, менга ҳамда болаларимга кун кўришимиз учун ёрдам бериб туришини айтди. Бу мен учун катта йўқотишдан кейинги иккинчи қаттиқ зарба бўлди. Болаларимни ўзим парвариш қилишга аҳд қилдим.

Йиллар ўтди. Фарзандларим анча улғайишди. Катта ўғлим жуда кичкиналигидан ҳаракатчан, меҳнаткаш эди. Оилам ташвиши ўғилларимнинг зиммасида қолиб кетди. Сўнгги кунларда менинг тез-тез тобим қочадиган бўлиб қолди. Бундан ўзим ҳам жуда қўрқардим. Чунки оталаридан ажралган болаларим менга ҳам бирон нима бўлса, нима қилишади, деган хаёл жуда қийнарди. Уларнинг бахтини кўриш насиб қиладими, деб ўйлайверардим, баъзан ёлғиз қолганимда роса йиғлаб олардим.

Қўшниларим ва қариндошларим ёрдамида қизимни ўзимизникига ўхшаган оддий оила фарзандига турмушга узатдим. Катта ўғлим укаларининг ғамини ер, уларнинг оғир юмушларни бажаришларига йўл қўймасди. Вақти етиб, шу фарзандим ўз меҳнати эвазига машина олди. У савдосотиқ билан шуғулланар, топиш-тутиши яхши эди. Мен чарчаб қолгандим, оёқларим шамоллагани учун жуда безовта қиларди. Қизимни узатганимдан сўнг, уйдагиларимнинг ҳаммаси ўғил бўлгани сабабли рўзғор ишлари мени жуда толиқтиргани.

1 Катта ўғлим уйланиш ёшига етди. Қишлоғимиздаги бир қизга уйлантирдим. Тўй оддийгина ўтди. Бу биринчи келиним бўлгани сабабли уйимга келган кунидан "келиним эмас, қизим бўлиб келдингиз. Битта қизим иккита бўлди, жон болам!" — деб эркалардим. Бир куни қайнона-келин уй ишларига уннаб юрганимизда эшигимиз олдидан бир аёлнинг бор овозда шанғиллаш овози эшитилди. Мен: "Қаранг-чи, болам, ким бундай баланд овозда гапиряпти?" — дедим. Келиним қайтиб келиб: "Онам эканлар", — деди ўзини ноқулай сезиб.

— Нега чақирмаяпсиз? Чақиринг уйга кирсинлар, — дедим. Келиним бўлса:

— Кирмас эканлар, — деб ерга қаради. Ажабланиб эшик томонга бордим. Қарасам, қудамнинг бошга ўраладиган рўмоли елкасида, сочлари тўзғиган, ранги-рўйи бир аҳволда.

— Нима бўлди сизга, қуда? — деб сўрашим биланоқ бир нималар дея бошлади. Тушунганим "Нега қизим уйимнинг олдига бориб, бизникига кирмасдан ўтиб кетди?" деган гапи бўлди. Мен бу ҳақда эшитмаганим учун келинимга қарадим: "Шундайми келин?" Бечора онасининг бу ишидан қаттиқ уялиб:

— Ҳа, ойижон, — деди паст овозда. Қудам эса:

— Ана, мен билувдим. Қизимни қўрқитиб олибсанлар-да, — деб мени сенсираб, ҳақорат қила бошлади. — Бу нимаси қуда? Нега мени сенсираяпсиз? Тушунмаяпман, бизнинг айбимиз нимада? Уятмасми, ҳали тўй бўлганига бир ой ҳам тўлмади-я?

Шундан кейин қудам жим бўлди-ю, қизига қараб:

— Мен сени эртага уйда кутаман, — деб кетмоқчи бўлди. Менинг жаҳлим чиқди: "Нега борар экан? Чилласи чиққанидан кейин боради.

— Мен билмайман. Эртага сени кутаман, агар бормасанг, уйга умуман қадамингни босма! — деб чиқиб кетди.

Шундан сўнг келиним билан иккаламиз роса ўйландик, эртаси куни уй ишларини якунлагач, "Келин, кеча онангиз боргин, дегандилар. Бормайсизми?" — дедим. Келиним бўлса: "Ойижон, бормай қўя қолай. Қиладиган ишларим жуда кўп", — деб уйга кириб кетди. "Йўқ, қизим, ундай деманг, кеча нимадир бўлганки, онангиз шу гапни айтиб кетдилар. Бора қолинг, бўлинг тез", — дедим, уни онасининг ёнига боришга қистаб.

Хуллас, келиним кечга яқин қайтиб келди. Негадир ўзгарган, қовоғидан қор ёғарди. "Нима бўлди, қизим? Уйингиздагилар яхшимикан? Ойингиз ўзларига келиб қолибдиларми? — деб сўрадим. Лекин келинпошшонинг жавоб бергиси йўқ эди.

2 — Ҳа, — деди-қўйди.

Мен гап нимада эканини тушунмаганим учун "...майли эртага гаплашаман", деган фикр билан индамай қўя қолдим. Ҳар доим эрталабдан ҳовли супурадиган келин бугун ҳатто ўрнидан ҳам турмади. "Майли, чарчагандир", деб индамадим. Ҳар куни эрта туриб чой дамлайдиган келин соат саккиз-тўққизга қадар ётадиган, бемалол хўжа бўлиб қолди. Бир кун: "Сизга нима бўляпти келин? Бирор жойингиз оғрияптими?" дедим. У эса ҳаммаси жойида эканини айтди. Лекин бўлиб ўтган воқеа оиламизда туб ўзгаришларга сабаб бўлди. Келинимга ҳар қанча гапирмай, у ҳеч нарсани тушунмайдиган, тўғрироғи, тушунишни хоҳламайдиган бўлиб қолди. Бу ҳақда ўғлимга гапирмадим. Кўп ўтмай ўғлимнинг ўзи сезиб қолди. Хотинига биринчи кун гапирди. Иккинчи кун тергади.Уларнинг тинчлигини ўйлаб жанжалнинг олдини олдим. Барибир келиним онасиникига тез-тез борар, рўзғор ишлари эса қолиб кетаверарди. Шунда ҳам майли, деб, уй юмушларини ўзим қила бошладим.

Бу орада ўғлимнинг менга ва учта укасига бўлган муносабати ҳам ўзгарди. Аввалари қўлимни совуқ сувга уришимни хоҳламаган ўғлим энди келинимнинг олдида менга ўшқирадиган бўлди. Вазият кундан-кунга жиддийлашиб борарди.

Гоҳида ўйлаб қоламан: менга шунча кўрган-кечирганларим каммиди? Маҳаллада фақат бизнинг оиламиз ҳақида гапиришарди. Иккинчи ўғлим кўп марта бу ҳақда акаси билан тортишди, фойдаси бўлмади. Ўғлим кундан-кун ўзгариб борарди. Ҳатто салом ҳам бермай қўйди. Дилим шундай оғрирдики... Бир кун қўшнилар:

— Сиз фол очиринг. Зора, унга нима бўлаётганини фолбин айтиб берса... дейишиб, қўярда қўймай фолбинга юборишди. Унинг айтишича, ўғлимга жоду едирилган эмиш. Агар уни олдирмаса, оқибати жуда ёмон бўлар экан. Бу ҳақда гап бошлаганимда ўғлим: "Сиз менга нуқул ёмонлик тилайсиз! Сизни ёмон кўраман!.." деди рўйрост. Уйга кириб йиғладим. Қайси она ўз фарзандига ёмонлик тилайди? Ахир орага синглим тушди. У синглимни ҳурмат қилгани боис, гапига кирди. Мени эса кўриши билан жинни бўлиб қоларди. "Ўқитилганидан сўнг" яна олдинги ҳолатига деярли қайтди, кўзлари очилгандай бўлди. Менга айтган гапларини ўзига эслатсам, хотинини урмоқчи, ҳатто келиним билан ажрашмоқчи ҳам бўлди. Мен йўл қўймадим. Чунки келиним ҳомиладор эди. Вақт ўтиши билан ўғлим яна аввалги ҳолатига тушиб қолди. У фақат қайнота-қайнонасини ва хотинини дер, уларнинг гапи ўғлим учун қонун эди. Мен билан ҳам, укалари билан ҳам умуман иши бўлмай қолди. Аввалари, тобим қочса, "Сизга нима бўлди, онажон" деб ёнимдан кетмайдиган болам энди аҳволимни сўрамасди ҳам. Сал ўтмай ўғлим:

— Мен ажралиб чиқаман, деб туриб олди. Рози бўлдим. Уйимдаги иккита қорамолни сотдим, унчамунча қарз кўтардим-да, шаҳардан ҳовли олиб бердим. Улар қизли бўлишди. Қувондим, набирамни кўргим келарди. У ўғлимнинг қизи-да, ахир.

3 Меҳрим у томонга тортар, лекин ўғлим билан келинимнинг қилган ишлари мени йўлдан қайтарарди. Тўғри, бу ишларда дилбандимнинг айби бўлмаса ҳам негадир мен ундан хафа эдим. Бир куни барчасини унутдим-да, ўғлимникига йўл олдим. Келиним мени кўриб, кўзларида ёш билан кутиб олди. Ўғлим ҳам йиғлаб юборди. Аввалига, уларга эътибор бермадим, неварамни бағримга босганимда барча гина-кудуратни унутдим. Лекин неварам ногирон бўлиб қолганини билгач, қай аҳволга тушганимни билсангиз эди. Соппа-соғ туғилган чақалоқ улғая бошлаганида оёқчаларини боса олмасди. Эшитишимча, чақалоқлигида келинимнинг онаси эътиборсизлик қилиб неварамни бешикдан тушириб юборган экан. Ногирон бўлиб қолишига балки шу сабаб бўлгандир? Дўхтирга кўрсатганимизда: "Боши қаттиқ чайқалган, шу нарса асаб томирларига салбий таъсир қилган", — деган хулоса чиқарди. Шундай бўлишида менинг ҳам айбим бор. Чунки барибир кечирар эканман, олдинроқ келиб неварамга ўзим қараганимда шундай бўлмасмиди? Шифокорларнинг айтишича, юриб кетиши мумкин экан. Ҳозир неварам шифохонада. Худо хоҳласа тузалиб, юриб кетишига умид қилиб турибмиз.

Барча муносабатлар изга тушиб кетди. Ҳаммаси яхши. Келиним ҳам, ўғлим ҳам меҳрибон. Қудам эса қилмишидан уялиб, кечирган бўлсам ҳам ҳозиргача кўзларимга қарай олмайди. Яратганга шукур, менга ҳам атаган ёруғ кунлари бор экан. Иккинчи ўғлимни ҳам уналштирдим, учинчи ўғлим юртимизнинг нуфузли олий даргоҳида таълим олмоқда. Кенжам чегара қўшинлари сафида йигитлик бурчини адо этмоқда. Қизим эса турмуш ўртоғи билан бахтли. Бўлиб ўтган воқеаларни бир-бир эслаяпман-у ўйга толаман! Нега шундай? Нега умримизнинг сара онларини ўйнаб-кулиб ўтказмаймиз-а, одамлар?!

Она ҳикоясини

4 **Шоҳрух САИДОВ оққа кўчирди.**

Ўйлаб кўринг

«Палағда тухумлар»

Машҳур ҳикоялардан бирида шахмат ўйнаётган икки кишининг ажабтовур баҳсига гувоҳ бўламиз. Ҳикояда Салтиков Шедрин битта одамми ёки иккита (бири Салтиков, бири Шедрин), деган жумбоқ устида айтарли муросага келолмаётган образлар ҳажв қилинади.



Буни қарангки, юқоридаги саволнинг айнан ўзи бўлмаса-да, шунга яқин мавзуларда баҳс юритувчи одамлар китобдан ташқарида ҳам етарлича топилади. Дейлик, давра тўрида отамлашиб ўтирган иккита улфатнинг «тухум олдин пайдо бўлганми ёки товуқми» дея баҳслашишида нотабиийлик сезилмайди. Аммо истаймизми-йўқми, мазкур ҳолат «бодрингни учидан кесамизми ё ўзагидан», дея соатлаб баҳс юритган иккита чукчани эсга солади (*шундай латифа бор*). Аслида, бу сингари саволлар иякни кафтга солиб, тирсакни эса столга тираб, мундоқ суяниб ўйлашга ёинки бош қашлашга арзирли эмас. **Эътибор беринг!** Тухум олдин пайдо бўлган дейилса, тухумни товуқ туғмайдими? Товуқ олдин пайдо бўлган дейилса, жўжанинг тухумни ёриб чиқиши ҳам ёлғон эмаску!..

1951 йилда «Воксфорд» компанияси маҳаллий овчилар учун кечки овқат ташкил этади. Базмга Хью Бивер исмли шахс ҳам ташриф буюради. Ўшанда Хью «Гиннес» пиво тайёрлаш корхонасининг бошқарувчи директори эди. У меҳмоннавозлик айни авжига чиққан паллада, гап гапга уланиб "тилла ранг ржанка дунёда энг тез учадиган қуш", дейди. Шунда меҳмонлардан бири унинг фикрини ёқламайди — дунёда тилла ранг ржанкадан ҳам тез учадиган қушлар борлигини айтиб, тортишиб қолади. Баҳснинг қандай якунлангани маълум эмас. Аммо орадан бир қанча вақт ўтиб, масалага яна қайтилади. Энди иккала жаноб тилла ранг ржанка тезроқ учадими ёки Шотландия каклигими, деган мавзуда хомталаш баҳс юритишади.

Ана шунда Хью Бивер бир тўхтамга келади: "Бундай жумбоқларнинг ечими учун махсус маълумотнома тузиш керак!" Чунки фикрини исботламоқчи бўлган, бу борада эса бironта манбага эга бўлмаган, фақат эшитганига таяниб мунозарага киришувчи одамлар соатлаб, бесамар баҳслашиши бор гап эди-да.

Хуллас, кўп сонли фактлар тўпланди, сараланди, таҳрир қилинди. Ҳар битта маълумот мутахассис тасдиғидан ўтказилди. Натижада оламга машҳур «Гиннес рекордлари китоби» энциклопедик маълумотнома шаклида нашрдан чиқди. «Тилла ранг ржанканинг Шотландия каклигидан тезроқ учиши» баҳсида кимнинг қўли баланд келди, буниси номаълум, лекин бир нарса аниқ ва равшан эди: бу масалага энди қайтилмайди. Бироқ...

Орадан ярим асрча вақт ўтиб, "Гиннес рекордлари китоби" саҳифаларида қулоққа эриш туюладиган фактларни учратиш одатий ҳолга айланди. Уларнинг аксарини мунозарага мавзу ҳисоблаш у ёқда турсин, иккала улфатнинг «тухум ва товуқ» ҳақидаги баҳсидан ҳам ошиб тушарди. Улардан бир шингил келтирилса, сих ҳам куймайди, кабоб ҳам:

Янги Зеландиялик Мем Буркиз ўз дугонасининг танасига 31 680 дона қимматбаҳо тош қадаб чиқди. Бу юмушни амалга ошириш учун унга қирқ саккиз соат вақт керак бўлди.

***

Хитойлик Донг Чангшенг киприкларига боғланган ип билан машинани 10 меёрга судраб келди.

***

Англиялик Питер Давдесвелл 3 секундда 1,42 литр пиво ичиб, Гиннес рекордлари китобига кирди.

***

Игна билан даволайдиган хитойлик доктор юзи ва бошига 1790 дона нина санчиб, рекорд ўрнатди.

***

Нидерландиянинг Зандвоорт шаҳрида баданига татуировка чизилган аёллар ва эркаклар 100 метр масофада саф тортиб, рекордлар китобидан жой олишди...

Агар Хью жаноблари тўғри тушунган бўлсак, унинг Гиннес китобини ташкил этишдан мақсади унда-бунда юзага келаётган турли баҳс-мунозараларга ойдинлик киритиш эди. Очиғи, бодрингни учидан кесамизми ё ўзагиданми, дея бир-бирига маслаҳат солаётган иккита чукчадан гина қилмасак ҳам бўлаверарканки. Ўзингиз ўйланг, зиёли қатлам вакили, олий маълумотли шифокорнинг юзи-кўзига нечта дона нина санчгани борасида қандай мунозара юритсак тўғрироқ бўлади? Ёки бир қизнинг ўз дугонаси танасига қанча тош қадаб чиққани хусусида қай йўсинда баҳслашган маъқул! Бу ҳам майлику-я, «рекордни янгилаш» умидида тонг оттираётган инсонлар «ҳаракати» қандай изоҳларга йўйилса экан?

Мақсад ўз қобиғини ёриб чиқсагина ҳақиқий мақсадга айланади. Қобиғида ўралашиб қолгани эса мақсаднинг ўзи эмас, унинг сурати, холос. Тухумнинг ҳам қисмати шундай: жўжа очгани ўз номи билан тухум, очмагани — палағда. Ҳар иккалови — қобиғида ётган мақсад, тухумда шаклланмай қолган жўжа – инсонга ҳам, товуққа ҳам наф келтирмайди. Шунга кўра фикр юритилса, Ер юзида вақт қимматини беҳуда мақсадларга сафарбар этиш, шуҳрат қолдираман деб бесамар ишларга овунишдан ҳам зарарлироқ машғулот бўлмаса керак. Дунёдаги энг узун тирноқ меники бўлади деб, уларни авайлаб ўстираётган қиёфани кўз олдингизга келтириб кўринг-а!

Хулоса ўрнида: Қадим салтанат мақомида адолатли пошдоҳ бўлиб, унинг суқсурдек қизи ҳуснда тенгсиз соҳибжамол, ошиқлари бисёр эди. Бироқ подшоҳи оламга уларнинг биронтаси маъқул келмай, охири шарт қўйибди: «Кимда-ким қизимга уйланмоқни истаса, халойиқни ва мени ўз ҳунари билан ҳайратга солиши лозим!»

Маликанинг таърифини эшитган шаҳзодалар умид билан узанги солиб, от эгарлаб, ҳар томондан — Шарқдан, Ғарбдан йўлга чиқибди. Улар шоҳни ҳам, халойиқни ҳам айтарли ҳайратга солгулик ҳунар кўрсата олишмабди.

Бир маҳал... оломон оралаб тўқувчи йигит кўринибди. У ёнчиғидан игна ва майин ип олиб, игнани икки қадам нарига тиргаб, унинг тешикчасини мўлжаллаб турибди-да, ипни отибди. Ип ниш ондан силлиқ ўтибди.

Буни кўрган кимки бор ҳайратдан ёқа ушлабди. Аммо шоҳнинг пинаги бузилмай, амр этибди:

— Тўқувчини зиндонбанд этинг!

Аъёнлар, вазирлар бундай қарорнинг боисини тушунолмай, давлатпаноҳига юзланишибди. Шунда подшоҳ:

— Тўқувчининг ҳунари чиндан соз ва ғаройиб, аммо бефойда. Ипни ўн қадам наридан туриб отсанг ҳам, нақ манглайида туриб ўтказсанг ҳам, игнанинг юмуши — тўқишдир.

Тўқувчи йигит умрининг нақ етти йилини мана шу ҳунарни эгаллашга сарфлаган эди...

Акмал ЖУМАМУРОДОВ,
«Hurriyat» мухбири

Reklama

«TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ
риэлторлик ташкилоти

бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 3 июндаги 91к-ПО-сонли буйруғи асосида сотилиши белгиланган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, «Хасанбой» мавзеси, Тикланиш кўчасида умумий майдони 0,06 гектар бўлган ҳар бирининг сатҳи 0,03 гектардан иборат 2 (икки) та **3 ва 3а-сонли** ер участкаларида якка тартибда уй-жой қуриш учун фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ҳар бири – **2 574 000,0 (икки миллион беш юз етмиш тўрт минг) сўм** миқдоридаги бошланғич нархлар билан (сотиш ҳуқуқисиз) аукцион савдоларига қўйилмоқда.

Очиқ аукцион савдолари **2013 йил 9 июль куни соат 11:00 да** бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй, 3-қават, 307-хонада (мажлислар залида) ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишувга асосан, бошланғич нархнинг **15 (ўн беш) фоизи** миқдоридаги закалат пулини «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА: 00425, СТИР: 207142288, 20208000204955218001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан (шахсий ҳисоб варақасидан, пластик карточкасидан) пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича **такрорий савдолар,** улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар **сешанба** кунлари соат **11:00 да** ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомалар, тўлов ҳужжатлари, шахсни тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш, расмий иш кунларида ва вақтларида савдо ташкилотчиси томонидан мазкур эълон чиққан кундан **бошланади** ҳамда аукцион савдоси ўтказилиши кунидан бир кун олдин **соат 18:00 да тўхтатилади**.

Савдо ғолибига, аукцион савдолари ўтказилган санада ғолиблик баённомасини имзолаш, савдо кунидан бошлаб 20 кундан кечикмаган ҳолда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш, тўланган закалат пули миқдори ер участкасига бўлган ҳуқуқ сотилиш нархининг 15 (ўн беш) фоизидан камини ташкил этса, олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар етишмаётган суммани закалат пули тўланган ҳисоб рақамига тўлаш мажбуриятлари юклатилади.

Ушбу ер участкаларининг ҳуқуқларини харид этишга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг тавсифи, ҳақиқий ҳолати, жойлашган жойи ва мўлжали ҳамда аукцион савдосини ўтказиш тартиб-қоидалари билан савдо ташкилотчисининг қуйида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб ёки алоқа воситалари орқали танишишлари мумкин.

Савдо ташкилотчисининг юридик манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй, 4-қават, 401-хона.

Мурожаат учун телефон: 233-20-13; расмий веб сайтимиз: TPI.uz.

Лицензия: №RR-0109.

*Талабгорлар вужудга келиши мумкин бўлган бошқа масалалар бўйича **233-21-52** рақамли **«ишонч телефони»га** мурожаат этишлари мумкин.*

Талқин

“Уступка” қилмасанг, “ступка”га ем бўласан...

Эркин Аъзам асарларини шунчаки ўқиёлмайсиз. Мулоҳазали китобхонгина адиб асарларининг таг маъноси, асл мазмун-моҳиятини англайди.

Тасвир услубида киноя, зарда, кесатиқ, пичинг устун туради. Бу — адиб асарларининг ўзига хос томонлари. Русча сўз ва иборалар, шевага хос сўзлар ёзувчининг катта ҳаётий тажрибага эгалигидан далолат. Чунки улар билиб қўлланилади. Аниқ мақсадларга хизмат қилади. Адибнинг “Ступка” ҳикоясидаги тасвир объектига эътибор қилайлик. Ҳикоя русча “Ступка” (ступа) деб номланган. Ўзбекчаси “ҳавонча”, “ўғир” дейилади. Ҳикоянинг бундай номланишида қайсидир маънода рамзийлик бор. Унда оддийгина, ҳажман кичкина “ўғирча”га бир инсон ҳаётининг тақдири, фожеаси, асар драматизми сингдирилган. Шу кичик ҳажмли “ўғир”га Арслон аканинг бутун кечмиши, дарди, ҳасрати, рус миллатига мансуб муаллима Маринага уйланганлиги, ҳаётдан бефарзанд ўтиши ва ёлғиз қолган Марина янгамизнинг руҳий ҳолати акс эттирилган. Шу маънода ҳам адиб ҳаётни “ҳавонча”га қиёслайди. Демак, бу шунчаки, “Ступка” эмас, бунда дунёга келган ҳар бир инсоннинг битиги ёзилган қисматга маҳкумлигига ишора бор. “Ступка” — миллийликни асраш, миллат ғурури ва шаънига, ўз она тилига садоқат ва муҳаббат туйғуси қанчалик қадрли эканини эслатмоққа адибнинг бир “баҳона”сидай туюлади.

Ҳикояда Арслон ака ўзбекнинг бир “алп”и сифатида: “... ўзи ҳам бир арслондек девқомат одам эди. Кўкраги баланд, эррайим, чапани”, дея тасвир этилади. Шу эррайим инсоннинг ёшлигида “коинотга училадиган жойларда хизмат қилгани”, аммасининг қизига “бешиккертти” қилингани, у қизнинг бошқага кўнгил қўйиши Арслон аканинг “бир нуқсони бор” деган хавфсирашнинг пайдо бўлиши, ўзгалар ҳам уни кўкрагидан итариши ҳикоя қилинади. Шу ўринда бир ҳолатни таъкидлаш жоизки, китобхон ҳикояни ўқиганда адибнинг Арслон акага меҳри бошқачадек туюлади. Ўқиймиз: “Акамиз”у “янгамиз” деб гапиряпман. Ўзи акаука бизда сероб, лекин Арслон акамиз битта эди, ягона. У асли Маҳмуд жўрамизга тоға, менга амаки мақомида. Тўғри, бир бўғин нарироқ қариндош. Маҳмуд икковимиз болаликдан унга ҳавас қилиб, кетидан думдек эргашиб катта бўлганмиз. Велосипед ҳайдашни ҳам, сойда сузишни ҳам бизга шу одам ўргатган. Сираси, иккаламизни бир-биримизга боғлаган, дўстга айлантирган — Арслон акамиз дейиш мумкин”.

Кўриниб турибдики, ёзувчининг ҳар бир асари замирида ҳаёт акс этади. “*Менинг фантазиям у даражада кенг эмас, асар воқеаси ўзим ва кузатувларим умумлашмаси*”, деган адибнинг фикри бу хулосамизни янада мустаҳкамлайди. Муаллиф оиласи билан қишлоққа борганида ануви гавдали амакисиникида меҳмон бўлади. Рассомчиликка қизиққан қизининг эътиборини амакисининг уйидаги расм тортади: “Бир ёни пуштинамо аллақандай йирик шафтоли, кўкмак бутоғи тиккайиб турибди. Шуни учтами-тўртта қип-яланғоч, қийиқкўз митти болакай худди копток мисол қаёққадир думалатиб кетаётир. Ёнбоши хитойчами, тикка тушган бир ёзув, холос.

Сарғайиб кетган шу расмга кўп йиллар муқаддам Арслон акамизнинг бўйдоқхонасида ҳам кўзим тушган — деворга осиғлиқ турарди. У менга негадир ёқмасди, сабабини ўйлаб кўрмаганман”.

Ваъдага вафо қилиб қизи учун расмни сўраган муаллифга Арслон ака: “Жоним керак бўлса, мана — сеники, лекин уни бермайман”, дейди қизишиб. Эҳтимол, бу расм “бепушт” Арслон аканинг овунчоғи бўлгандир. Шу тасвирни кўриб, таскин олгандир. Кимдир уни юлқиб олиб кетиши, юрагини узиб олганга ўхшар. Эътироф этиш керакки, адиб ушбу ҳаётий воқеани бадиий деталга сингдиришида ҳам маълум маъно бор. Бу, айнан, ниятлари, орзулари осмон, келбатли Арслон аканинг қувончлари саробга айланиши, сароб бўлиб расмга жойланишига ишора дейиш мумкин.

Аввало, Арслон аканинг ўзга миллат вакиласига уйланиши, бепуштлиги сабаб етимхонадан ўзларига мос “***дурагай, афт-ангори қорачаю, кўзлари пистоқинамо***” қизалоқни боқиб олиши, эрка ўсган қизининг Россияга кетиб қолиши, Андрейга кўнгил қўйиши, йўқлаб борган отасига “***Папа, я его люблю***!” дейиши, умиди сўнган, ўзининг ҳаётидан бир маъни топмаган, шалвираб қайтган “ота”нинг фожеаси эди. Унинг орзулари бўйдоқлигида топган расмда қотган. Бу унинг ҳаёт синовларига бардош беролмай, руҳий таслим бўлиши эди. Оғир дардга чалинишию, сўнгра ҳаётдан кўз юмиши — инсон қисмати — чинакам драматизм! Эҳтимол, “***бешиккертти***” қилинган аммасининг қизига уйланганда унинг тақдири бошқача бўлармиди?

Воронежнинг Николь қишлоғида ўсиб-улғайган Марина янгамизнинг қисмати янада ачинарли. Эри ўлиб ўзини қўярга жой тополмаган Марина янгамиз теварак-атрофидаги одамлардан меҳр излайди. Юртини, қишлоғини соғинади, лекин начора Николь энди унга бегона. Ота-онаси вафот этган. Энди кимни излаб, Николга боради. Синглиси ўзи билан ўзи. Боқиб олган қизи вафо қилмади. Суянган тоғи, меҳрибон кишиси — Арслон ака энди йўқ! Аросатдаги ҳаёт. Ўзбек бўлди, Арслон ака ёнида эди. Ўзбек удумларини бир ўзбекдан кам билмайди. Қайнонақайнотасини бориб кўришни канда қилмайди. Лекин барибир у руҳий ҳаловат тополмайди. Қўшни қишлоқдаги Лена модачи унинг дардига малҳам бўла оладигандай, уни излайди. Совғасалом олиб, уни кўргани борганида ҳам, излаган ўша ҳаловатни тополмайди “***шу тўпори хотиннинг олдига келгани***”дан афсусланади.

Меҳмонга келган Марина янгамизга мезбон Лена модачи бултур, роппа-роса беш минг сўмга олган янчилмаган кофе билан сийламоқчи бўлади. Янчилмаган кофе учун кофемолка керак:

“— Кофемолканг йўқми, нима? — дейди янгамиз ҳам ачинганнамо.

— Унақа матоҳлар нима қилсин бу уйда! — ўз-ўзидан тутақиб Лена модачи. — Ҳа-а, бўлди, бўлди! Уриб-уриб янчамиз буни!

— Нима билан? Нима билан урасан?

— Уриб. Уриб туядиган-чи? Анув нима дерди? Ҳаҳ, қурғур, сира тилимга келмаяпти-я! Ўша қурғурнинг номини тополмаганидан Лена модачи бу ёғини ўзбекча қилади”. Кофе майдалаш баҳонасида юзага қалқиб чиққан бор ҳақиқат шуки, Марина янгамиз ва Лена ҳавонча — ўғирнинг русча атамасини тополмайди. Ҳавончанинг ўз тилида нима дейилишини унутгани Марина янгамизга қаттиқ таъсир қилади: ***“—Ҳавонча?! — деб такрорлайди янгамиз дафъатан алланечук бўшашиб, ичида нимадир чирт узилган каби, ҳозироқ бу ердан чиқиб қочгиси келади. — Нима у ҳавончангиз?***

— Ҳа, ўғир-чи, ўғир! Мана, ҳозир опкеламан, кўрасиз!”

Ўғирнинг ўз она тилида нима дейилишини унутган янгамиз меҳмондорчиликни қисқа қилди-ю, уйига шошади. Сойдан ўтиб, қабристон ёқалаб кетаётган мотоциклнинг ғилдираклари сирпаниб, мувозанатни йўқотади. Узрини сўраган Абди унинг қичқириши, нимадир топганига ақли етмай, ҳайратда қолади: “Топдим! — дея қичқириб юборади шунда янгамиз илкис бошини кўтариб. — Топдим — ступка, ступка!”. Сўнгра унга янгамиз ступкани тушунтирар экан, “Бу дунёда уступка қилмасанг, ступкага ем бўласан” дея фалсафий мушоҳада қилади.

Дарҳақиқат, “Ступка” ҳикоясининг бундай рамзий тасвири замирида катта маъно ва мазмун яширинган. Унда адиб биргина Арслон ака тақдири, ёки мусофир Марина янгамизнинг ўзга юртдаги ҳаётини баён қилиб беришда эмас, балки бу асарда ҳар бир инсоннинг туғилишиданоқ қисмати аён бўлиши фикр этилган. Бунда ҳар бир миллатга бўлган ҳурмат, эътироф қаламга олинган. Ҳар бир инсон учун ўз юрти, она тупроғи қадрли ва азиздир. Ўзга юрт қанчалик гўзал бўлмасин, инсон киндик қони тўкилган, болалиги ўтган заминни бир умр қўмсаб ўтади. Арслон акадан айрилган Марина янгамизнинг ўзини қўярга жой тополмаслиги ҳам асар воқеаси драматизмини кучайтиради. Она юрт нафасини излаб, ўзининг қавмини қўмсаб Лена модачининг ҳузурига борган янгамизнинг руҳий азоблари ҳар бир миллат вакилида кечадиган жараёндир.

Буюк бобомиз Алишер Навоий таъриф этганидек, булбулга олтин қафасдан кўра тиконли ошён афзаллиги, жаҳонни забт этган Бобур Мирзонинг узоқда — ўз юртини азиз билгани юртимизнинг, миллатимизнинг, она тупроғимизнинг қандай бўлса, аслича сақлашга даъвати эмасми?!

Марина янгамиз Абдига “бу дунёда уступка қилмасанг, ступкага ем бўласан” дейиши ҳам ўзга юртда “уступка” қилиб яшамаса, “ступка”га ем бўлиши, дилини, тилини унутиши, руҳий нотинчликда, соғинч, айриликда яшашга мажбурлигига рамзий ишорадир.

Рамзий мазмун-маъно касб этган ушбу асарда инсоннинг бутун умри “ўғирча” баҳонасида таҳлил қилинган. Инсонга аталган ёзғириқ туфайли турли кўйга тушади. Бахтидан қувонади, бахтсизлигидан йўлини йўқотади. Назаримизда, ушбу ҳикоянинг асос, илдизини адиб ўзининг ўспиринлик давридаги ҳаётий кузатишлари умумлашмаси дейиш мумкин. Негаки, адиб “Ступка” тасвири қатига ўз дардини, руҳиятини сингдиради. Бу унинг юртига бўлган чексиз муҳаббати, миллатнинг софлигини асрашга даъвати, ўз миллатига содиқлиги, келажак авлодга ўрнак бўлгулик аждодларга хос маънавий-маърифий етукликка чақириғидир.

Малика МИРСОАТОВА,
ЎзМУ магистранти

Таассурот

Адабиёт гўёки чексиз уммон. Унинг тубида дурлари бисёр. Ана шу уммон қаърига шўнғиган ҳар бир ғаввос дурларга эга чиқишни истайди. Шундай экан, адаб уммонида салмоқ ила қалам тебратаётган ижодкорлар талайгина. Яқинда “Муҳаррир” нашриёти томонидан “Юлдузнинг беш қирраси” номли монография чоп этилди. Китобда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг ҳаёти, ижод йўли муштаракликда таҳлил қилинган.

Ижод жараёнлари

Муаллиф А.Алимбеков ёзувчининг бадиий ижод майдонида камолга етишувида адабиётнинг ўрни, ёзган асарлари, улардаги ҳаққоний, соф тасвирларнинг ифодаланишини талқин этади ва шу аснода ижодкор характерига хос портретни ярата олди. Китобда Муҳаммад Алининг ижодкор бўлиб етишишида таянч вазифани ўтаган ҳаётий омиллар қаламга олинади. Бунда ҳар битта воқеликка ниҳоятда зийраклик, ўткир мулоҳаза билан ёндашилганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

“Юлдузнинг беш қирраси” 19 бобдан иборат. Ҳар бир боб ўз мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, турфа хилда номланади. Хусусан, “Бўзнинг бўлар боласи” бобида Муҳаммад Алининг Бўз туманида кечган болалик хотиралари, беғубор кечмиш манзаралари акс этади. Асарнинг “Кундалик саҳифаларидан” деб номланмиш фаслида эса ёзувчининг ижтимоий ва ижодий фаолияти кундалик материаллари асосида таҳлил қилинади. Қайд этиш ўринлики, мазкур боб учун тўпланган материаллар 1956-1966 йиллар мобайнида (орада айрим узилишлар билан) ёзиб борилган кундаликлардан иборат.

Асарда адибнинг мустақиллик йилларидаги ижодига кенг ўрин ажратилган. Хусусан, Амир Темур шахсининг ҳали ҳеч бир ижодкор қаламга олмаган жиҳатларини ёритишдаги хизматлари алоҳида таъкидланади. “Қизғин ижодий жараёнлар оғушида” номли боб адибнинг талабалик давридан то бугунга қадар давом этаётган ижоди, ноширлик, таржимонлик фаолияти, “Сарбадорлар” романи, “Улуғ салтанат” тетрологиясини ёзиш жараёнигача бўлган босқич атрофлича тадқиқ этилган.

Қайд этиш ўринлики, китобнинг “Муҳаммад Алининг насри” боби асарнинг мағзини ташкил этади. Мазкур бобда “Сарбадорлар” романи ёзилишига сабаб бўлган ижтимоий, маиший, психологик омиллар таҳлил этилади. Китобда Муҳаммад Алининг шоир сифатидаги фаолияти унинг “Машраб”, “Гумбаздаги нур” достонлари, “Боқий дунё” шеърий романи, таржимонлик маҳорати эса ҳинд эпоси “Рамаяна”нинг таржимаси, публицист сифатидаги ижоди “Ўзўзингни англаб ет”, “Қафасдаги булбуллар”, “Мен кўрган Америка” эсселари мисолида тавсифланади.

Хулоса шуки, А.Алимбековнинг “Юлдузнинг беш қирраси” монографияси бугунги ўзбек адабиётининг таниқли вакилларидан бири Муҳаммад Али ижоди ҳақидаги оммабоп асар сифатида ўз аҳамиятига эга.

Шоҳруҳ УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзМУ магистранти

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

САВОДСИЗ ҚАЛАМКАШ ВА НЎНОҚ НОШИР ҲАҚИДА БОР ГАПЛАР

Мустақиллик бизга ҳар соҳада эркинлик берди. Жумладан, китоблар нашр қилиш борасида ҳам. Нашриётларимизнинг кўпайгани буни яққол исботлайди. дўконлардаги турли хил жимжимадор китобларни кўриб кўзинг қувнаши, дилинг яйраши ҳам шундан. Бироқ эркинликни ҳар ким ҳар хил тушунар экан. Айниқса, улар орасида кўпни кўрган ва анча-мунча нарсага ақли етадиган носир ва ноширларнинг ҳам бор экани одамни ташвишлантиради.

Яқинда «Хоразм» нашриётида Комил Нуржоновнинг «Нажмиддин Кубро туғилган қишлоқ» деб номланган китоби нашр этилди. Рисолада Хива туманидаги Саёт қишлоғининг ўтмиши ва бугуни ҳақида сўз боради. Чуқурроқ ўйлаб қаралса анча салмоқли мавзу. Шу пайтгача воҳанинг машҳур бу қишлоғи ҳақида еттита китоб нашр этилган. Бу нашр улардан фарқ қилади. Чунки унда Саёт тарихининг қадимги даврлари ҳам қаламга олинган. Аҳамиятлиси шундаки, қишлоқнинг ўтмиши ҳақидаги маълумотлар илмий манбаларга ва архив ҳужжатларига асосланган.

Шу билан бирга яқин ўтмишда яшаб ном қозонган Ўзбекистон халқ бахшиси Бола бахши — Қурбонназар Абдуллаев, машҳур Мадиёр полвон, Абдулла полвон, каби ўчлаб эл таниган инсонларнинг хайрли ишлари ёдга олинган.

Муаллиф Мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ижобий ўзгаришларни ҳам эътибордан четда қолдирмаган. Бироқ...

Рисолани мутолаа қиларкансиз, баъзи жойларидаги исм-фамилиялар ноаниқлиги, факт ва рақамларнинг хатолиги, жумлалар тўмтоқлиги ва кўплаб имло хатолар тишингизга тошдек тегади.

Китобда лавҳа қаҳрамони, таниқли пахтакор Рўзмат Мадаминовнинг тўнғич ўғли “Матёқуб” деб ёзилган. Аслида унинг катта ўғли Рустам Мадаминов эканини хивaликлар яхши билишади. Яна бир ўринда “Абдушариф Мадримов 1931 йилда туғилган”, деб келтирилади. Ваҳоланки, бу инсон 1932 йил 25 мартда таваллуд топган.

Китобни мутолаа қилганинг сари бундай хатоларга дуч келаверіб дилинг оғрийди. Муаллифнинг манбаларга шунчалик эътиборсизлигидан афсусланасан киши. 42-бетдаги «Отабой Жуманиёзов «Ота Жуманиёз» фермер хўжалигини бошқариб келмоқда» дейилган. Аслида фермер хўжалиги тугатилиб, 2008 йилда бошқа хўжаликка қўшиб юборилган.

Рисоланинг «Эл ардоқлаган раҳбарлар» сарлавҳали бўлимида бир қанча раҳбар ходимлар қаторида “Давронбек Абдуллаев Қирғизистон фанлар академиясига қарашли илмий текшириш институти тадқиқотчиси” деб ёзилган. Ҳеч қандай олий ўқув юртини битказмаган, матбуотда бирорта илмий мақоласи чиқмаган Д.Абдуллаевнинг институт тадқиқотчиси бўлганига ким ишонади? Кейинги ўн йил давомида рўзғор ва томорқа юмушларидан ортмаган, бўсағa ҳатлаб кўчага чиқмаган одам қандай қилиб Қирғизистон илмий тадқиқот институти тадқиқотчиси бўлиб қолди. Муаллиф қалам ихтиёримда, қоғоз эса ҳар нарсага дош бераверади деб ўйласа керак-да. Қизиғ-а?

Бор-йўқ хато шуларми, деб шошилманг. Китобга ёлғонлар ҳам қўшилиб ёзилган. Қанақасига дейсизми? “Қишлоқда Италиянинг «Фенко» компанияси билан ҳамкорликдаги корхонада уч хил андозада бир кеча-кундузда 18 минг дона музқаймоқ ишлаб чиқарилмоқда”, дейилибди. Аммо ушбу корхона 2010 йилдан буён маҳсулот ишлаб чиқармаётганини ҳамма яхши билади-ку! Буниси ҳолва. “Қишлоқ аҳолиси қувурлар орқали ичимлик суви билан тўла таъминланган” деганига нима дейсиз? Бундан олти йил муқаддам янги қувурлар ётқизилгани рост. Бироқ кейин ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани ҳам ҳақиқат. Ҳатто бу ҳақда матбуотда «Қачон сув келади?» сарлавҳали танқидий мақола ҳам босилди. Яна бир ўринда “Ҳудудда 23 та дала шийпони ишлаб турибди”, дейилган. Ахир уларнинг кўпчилиги «бузилган» ёки «сотилган», яъни хусусийлаштирилиб бошқа мақсадларда фойдаланилмоқда-ку. Во ажаб! «Аҳоли ўзи етиштирган маҳсулотларни консерва заводига сотиш имкониятига эгадир» дейилгани эса ҳаммасидан таажжубланарли. Чунки завод фаолият юритмаётганига узо-оқ йиллар бўлди...

Юқорида қайд этилганидек, китобдаги жумлалар чалкаш, ғализ, сўзлар ўрнида ишлатилмаган. 37-бетдаги жумлага бир эътибор беринг:

«1971 йил 10 май куни муҳташам саройнинг режасини тортиб қозиқ қоқдик». Бу нима дегани? Ноаниқ жумлани мана бундай деб тузатса бўлмасмиди: «Лойиҳа асосида қурилиш бошлаб юборилди».

Хулоса ўрнида берилган материалнинг сўз бошидаги жумлани айнан келтирамиз: «Элдошимиз Беруний бобо Хоразмийлар Искандар Зулқарнай эрасидан аввалги 980 йилдан тарих оладилар». Биринчидан, ушбу жумлани тушуниб бўлмайди. Иккинчидан, тиниш белгилари қўйилмаган, Зулқарнайн “Зулқарнай” бўлиб қолган. 15-бетда “Шайх 1221 йил июлда 74 ёшида мўғиллар қўлида ҳалок бўлган” дейилган. Агар Шайх Нажмиддин Кубро 1145 йилда туғилиб, 1221 йилда ўлган бўлса, 76 ёшда бўлмайдими?

Энди китобда илова этилган суратлар ҳақида мухтасар сўз. Биринчидан суратлар сифатсиз, кўримсиз. Айримларида кимнинг ким эканини аниқлаш қийин. Бир хил кўринишдаги 16 та сурат икки мартадан берилган. Бир фото остига коллеж директори «Розия Худайназарова» деб ёзилган. Бироқ 51-бетдаги материалда шу коллеж раҳбари «Рўза Худойберганова»га “айланиб қолган”. 31-сон мактаб директори Рустам Хўжаев сурати тагига «Ф.Хўжаев» деб ёзилган. «Саёт қишлоғидаги илм-фан ва тарбия ўчоқлари» сарлавҳаси материал ичидаги суратларнинг бири остида эса 16-сон мактаб директори «Б.Рўзметов» дея ёзилган. Холбуки, мактаб тарихида бундай директор бўлган эмас. Бошқа бир саҳифада 16-сон мактаб директори «Е.Матёқубова» деб ўқилади. Аслида мактаб директори Санобар Жабборова!

Яна бир эътироз. «Техника-фермернинг қаноти» сарлавҳаси билан берилган, собиқ иттифоқ даврида олинган кўримсиз эски сурат ўрнига қишлоқ фермерлари бугун сотиб олаётган замонавий техникалар сурати берилса, мақсадга мувофиқ бўлмасмиди?

«Тўйга келган Журёнлик меҳмонлар» деб номланган сурат Саёт қишлоғида эмас, бошқа жойда олингани кўриниб турибди. 45-бетда «Қаландар мироб» фермер хўжалиги раҳбари «Рўзижон Отаева», бошқа қаторда «Рўза», яна бир қаторда «Рўзажон»га ўзгарган.

Шу сингари хатоларга кўплиги ўқувчини мутолаа қилишдан бездириши тайин. Агар безмайман десангиз биз билан қўшилиб ўқинг! «Оламдан ўтди – «олмадан ўтди», Зулқарнайн – «Зулқарнай», употребления – «употребления», тозалаб – «тозлаб», бўйлаб – «бўлаб», Ҳамодон – «Ҳамобон», машойих – «машойик», Беруний – «Бернуий», Гулланбоғ – «Гуламбоғ», империя – «ипмерия», қўшинига – «қўшингига», эштмаган – «эштмаган», Истилоси – «истеълоси», Будда – «Бдда», Жуманазар Маткаримов – «Маткарим Жуманазаров»га айланган.

Китобда оламдан ўтган инсонларнинг шу кунларда ҳам «фаолият юритаётганига» ҳайрон қолмай иложинг йўқ! «4-сон мактаб директори Шоназар Мадаминов, 31-сон мактаб мураббийси Комилжон Отаев, Ражаббой Қурёзовлар ибратли ишларни амалга оширмоқдалар», деб ёзилган. Афсуски, устоз Ш.Мадаминов бундан 6 йил, К.Отаев эса 5 йил аввал вафот этган. Р.Қурёзов 3 йил бурун бандаликни бажо келтирган..

Йиллар, ойлар, исмлар, саналарни хато, пала-партиш ёзсак, эртага тарихни бузиб кўрсатишибди, деб бизни келажак авлод айблашлари турган гап. Шунинг учун, аввало, китоб муаллифлари ва нашриёт муҳаррирлари, мусаҳҳихлари ўзларига талабчан бўлишлари ва масъулиятни оширишлари лозим эди. Дарҳақиқат тарихимиз буюк, бу ҳақда қалам тебратиш масъулияти ҳам шунга яраша бўлиши зарур. Энг яхшиси ҳар ким қўлидан келадиган ишни қилгани маъқул.

Барди ЖУМАНИЁЗОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Премьерадан сўнг

«Даҳо»

Ўйлаб қарасам, бирор-бир спектакль ҳақида ёзмаганимга ҳам анча йиллар бўлибди. Сабаби, агар асар юрагингни ёндирмаса, қалбингни ҳис-ҳаяжонга солмаса, унда қоғозни тўлдирганларинг шунчаки сувкўпикдай бўлади-қолади. Яхшиси, ёзмаган маъқул. Фикр айтиш учун арзирли саҳна асари бўлса-чи?! Унда ёзмаслик ҳам гуноҳ. Назаримда, «Даҳо» (Пуанкаре) ана шундай спектакль бўлибди. Уни бугун бир томоша қилиб, эртага унутиб юбориш мушкул...



Асар Ўзбек давлат драма театрида таниқли адиб Абдуқаюм Йўлдошевнинг шу номли ҳикояси асосида саҳналаштирилган. Бош режиссёр — Сайфиддин Мелиев. Саҳналаштирувчи режиссёр — Нилуфар Ниёзова. Бош ролларни ёш актёр Самиддин Лутфиллаев, Нодир Мирзааҳмедов, Феруза Мелибоева, Ғайбулла Жуманов, Раъно Эгамбердиева, Мадина Тўхтаева, Юлдуз Ҳайдаровалар ижро этишган. Мусаввир — Улуғбек Эшонқулов.

Энг аввало, спектакль сюжети ҳақида. Асосий қаҳрамон — иқтидорли, ўз фикри ва қатъий эътиқодига эга ёш математик олим. У шу замон, шу давр одами. У бизу сиз яшаётган муҳитда, шароитда яшаяпти. Биздан фарқли жиҳати у чинакамига олим. Олим бўлганда ҳам кимнингдир соясида ўсмаган: ўз нуқтаи назари, ўз йўли ва энг муҳими, ҳали ҳеч ким қўл урмаган мавзуси бор — Жюль Анри Пуанкаре деган машҳур физик олимнинг жумбоқли масаласини ечмоқчи. Ёш олим шу мавзунинг сир-асрорларини очиш учун бутун борлиғи билан ишга киришган. Аммо илм йўлидаги устози, ота-онаси, турмуш ўртоғи, дўстлари, бир сўз билан айтганда жамият уни қўллаб-қувватлаш ўрнига ишидан чалғитади. Энг аввал устози «Пуанкаре»нинг мавҳумлиги, бунга кўплар қўл уриб, ечимини тополмагани, ундан кўра хашакироқ бирор мавзуда илмий иш ёқласа, ёрдам беражагини айтади. Шогирд бироз ён бергандек бўладию, барибир «Пуанкаре»дан воз кечолмайди. У бор вужуди билан шу масала ечимини топишга ошиқади ва ўзини унутиб, илм уммонига шўнғиб кетади. Шу аснода қаҳрамонимизнинг абжир онаси ва касалманд отаси унинг хонасига олдинма-кейин кириб келишади-да, «у қаторилар аллақачон уйланиб, бола-чақали бўлиб кетишган»идан гап бошлашади. Охир-оқибат ёш олим болалигида бешиккертти қилингани — ҳамқишлоқ қизга уйланади. Турмушнинг майда-чуйда ташвишлари ана шу ердан бошланади. Аёли олимнинг тор кулбасини назар писанд қилмай, уни кўпроқ пул топишга ундайди. Қайнона қизининг тақдиридан кўнгли тўлмай, куёвини ландавурликда айблайди. Бечора олим (ҳа, бечора олим дейишга ҳақлимиз) таниш-билишларидан қарз сўраб уй олмоқчи бўлади, аммо йиққанлари урвоқча ҳам бўлмайди. Шу пайт шайтон қиёфасидаги дўсти уни бирга тижорат қилишга таклиф қилади. Мирзачўлдан арзон-гаровга пиёз сотиб олиб, уни хорижда пуллаш, натижада мўмай даромадга эга бўлиш илинжида икковлон иш бошлашади (Дарвоқе, бу пайтда «Пуанкаре» бироз кутиб туради. Ахир, олимнинг пиёз сотиши ундан муҳимроқку! Мана сизга бечора олим дейишимизга сабаб. Турмуш икир-чикирлари, иқтисодий ташвишлар олимдан илмни тортиб олишга уринмоқда). Пиёз етарлича ғамланиб, дўсти уни сотиш учун четга олиб кетади ва ўзининг таъбири билан айтганда хонавайрон бўлиб қайтади. Аслида эса у фойдани бўлишни истамай, маккорликлар, ҳийлагарликлардан бехабар олимни алдайди. Хуллас, чув тушган қаҳрамонимиз хотини ва қайнонасидан балога қолади. Хотини икки боласини олиб, онаси билан қишлоғига кетади. Ғам-андуҳ ёшларига ғарқ олим ҳеч илож тополмай бир пайтлар лаборант бўлиб ишлаган, айни кезда номдор олий ўқув юрти профессори — биринчи муҳаббатидан ёрдам сўрайди. Ўша пулга уй-жой олиб, рўзғорини тиклайди. Бу орада олимнинг онаси, қайнонаси, дўсти вафот этади. У эса барибир «Пуанкаре»дан воз кечолмайди. Охир-оқибат масала ечимини топади ва дунё олимлари орасида ўтказилган танлов ғолибига айланади.

Спектаклни шунчаки ишдан кейин, дам олиш учун томоша қилиб бўлмайди. У руҳий, ақлий тайёргарликни талаб қилади. Саҳна ва томошабин орасида масофа йўқ. Сиз оддий томошабин эмас, балки воқеалар бевосита сизнинг иштирокингизда бўлади. Бунда руҳий майдон, аура бир. Шундай вазиятлар бўладики, олимнинг пешонасидаги маржон-маржон терларни ҳам ўз кўзингиз билан кўриб, қўлига рўмолча тутгингиз келади. Айтиш жоизки, ҳар бир деталь, ҳар бир ҳаракатда бадиий юк бор. Баъзи ўринларда фикр сўз билан эмас, ҳаракат, ишора орқали билдирилади. Шу ўринда устознинг сояси образига алоҳида тўхталмоқчиман. Мен уни соя эмас, таъбир жоиз бўлса устознинг виждони деб атаган бўлардим. Чунки устоз гарчи шогирдини бу йўлдан қайтармоқчи бўлса-да, унинг сояси (виждони) ёш олимга Пуанкаре жумбоғи ечими яширинган жойни кўрсатади. Яъни, сир тухумда, тухум сандиқда, сандиқ ертўлада, ертўла ҳўв анави ерда деган фикрга қўл ва оёқ ҳаракатлари билан спектакль давомида бот-бот ишора қилинади.

Саҳна безакчилари ва рассомнинг ишини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Зотан, оддий матолар ёрдамида саҳнага шундай руҳ берилганки, гап физик олим ҳақида бораётгани дарров англашилади. Фанга доир формула ва масалалар ҳамма ёқда: деворларда, бурчакларда, саҳна полларида ва ҳатто момоларнинг тугунларида ҳам ечимини кутаётгандай. Умуман, саҳнада ўз ишига бор меҳрини берган олимнинг хонаси қиёфаси берилган.

Маълумки, спектаклда мусиқа танлаш маҳорати ҳам жуда муҳим. Зотан, у орқали воқеа-ҳодиса ёки қаҳрамоннинг ички дунёси янада ёрқинроқ очилади. Шу маънода спектаклда мусиқалар дид билан танланган, дея оламиз. Бинобарин, мусиқа жамиятнинг лоқайдлиги, илмга эътиборсизлиги туфайли азият чеккан, яқинларининг таҳқирига учраган олимнинг зоҳирий оламини теран очиб бера олган.

Актёрларнинг пардози ва либослари устида ҳам ақл ва дид билан ишланган. Мисол учун, дўст қиёфасидаги шайтон образига жуда мос кийим танланганки, бир қарашда унинг кимлиги англашилади (Қанийди ҳаётдаги ҳамма «шайтон»лар ҳам шундай кийиниб юришса... Биз ҳам атрофимиздагиларнинг аслида ким эканини дарров англаган бўлармидик).

Шу ўринда битта мулоҳаза: спектакль намойишида замонавий йўлдан борилгани, яъни томошабин ҳам, ижодкорлар ҳам бир саҳнада турганини ҳисобга олиб либос ва безакларнинг энг майда деталларга ҳам эътиборли бўлиш керак, назаримда. Айниқса, чимилдиқ сифатида олиб чиқилаётган мато нуқсонлардан холи бўлиши лозим. Зотан, чимилдиқ ота-боболаримиз томонидан муқаддас саналиб, у энг гўзал матолардан тикилган.

Саҳна асарининг томошабин қалбини забт этишида оддий бўлиб кўринган нарсалар ҳам жуда муҳим. Инчунун, ушбу спектаклда чироқ усталари ҳам ўз ишини маҳорат билан бажаришганки, натижада вазият, ҳолат тасвири янада ишончли чиққан.

Айниқса, бош рол ижрочисининг маҳоратига қойил қолиш лозим. Икки соатдан кўпроқ вақт давомида томошабиннинг кўз олдида туриш, ҳар бир ҳаракатини, ҳар бир сўзини маромига етказиш, бирор камчиликка йўл қўймаслик жуда мушкул. Ҳатто кўплаб тажрибали актёрлар ҳам саҳнада ўзини назоратда ушлашга қийналишганига гувоҳ бўлганмиз. Самиддин Лутфиллаевнинг маҳоратига эса аъло баҳо қўйиш мумкин. Аммо ёш актёрнинг ижросини кузатиб, у бундан ҳам кўпроғига қодир, деган фикр туғилади. Ҳолбуки, спектакль давомида у фақат режиссёр айтган ҳолатга тушиб бераётгани, ўзидаги ички ижодий имкониятни ишга солмаётгани сезилади.

Яна бир гап. Олимнинг болалик дўсти Тиркаш образида катта ҳаётий фалсафа бор. Уни бу дунёнинг барча лаззатларидан баҳраманд инсон қиёфасида кўрамиз. У қишлоқнинг энг сулув қизига уйланган, мол-дунёси етарли, ҳаёти вақтичоғликда ўтаётган одам. Тиркаш олим дўстини кўргани келганида унинг камтарона ҳаётини кўриб, пул беради. Олим эса унга Усмон Азимнинг китобини совға қилади. Йиллар ўтиб, у яна шаҳарга келганида дўстининг уйида меҳмон бўлади. Эндиликда у ўғил фарзанд кўрган, ҳаётида кемтиклик йўқ. Аммо олим ҳали-ҳамон афтодаҳол кўринишда. Тиркаш унга яна пул беради, олим китоб бермоқчи бўлганида «Йўқ, бошқа китоб берма, китобим бор» деб чўнтагидан Усмон Азимнинг шеърий тўпламини олиб кўрсатади ва «ўқийман... ўқийман» деб қўяди. Англашиладики, ҳаёти тўкин дўсти йиллар оша Усмон Азимдан бир сатр ўқишга ҳам жазм қилмаган. Вақт ўтиб, у касаллик туфайли ўлим тўшагида ётиб қолади ва ўлар чоғи олимдан Усмон Азимнинг китобини ўқимагани, бир мисра айтиб беришини сўрайди. Олим шеър ўқий бошлайди, аммо бу пайтда дўсти бу дунёни тарк этиб бўлганди. Ҳа, баъзан мол-дунё илинжида умримизнинг йилларини аямаймизу, маънавият булоғи бўлмиш китоб ўқишга соатларимизни аяймиз. Ҳолбуки, асар муаллифи айтмоқчи, мол-дунё, ҳою ҳаваснинг умри қисқа, илм-маърифатнинг ҳаёт йўли эса узундир.

Очиғи, асардаги кўнглимни хира қилган бир жиҳат ҳақида сўз юритмасам тўғри бўлмас. Ёзувчи, қолаверса режиссёр асардаги ота образини қайта кўриб чиқишса. Ахир, ўзбекнинг отаси бундай бўлмайди-да. Минг касалманд бўлсин, минг аёл ёрдамига муҳтож бўлсин, ота барибир ота-ку. Бизнинг олимларни тарбиялайдиган оилаларимизда ота оиланинг устуни бўлади. Унинг гапи қонун бўлади. Аммо ялинчоқ оҳангда «кампир» дея аёлининг ортида қалтираб юрадиган эркак бизнинг оталаримиздан эмас. Нима бўлганда ҳам, бошқа юртларда қандай билмадим-у, азал-азалдан оталаримиз, эркакларимиз аёлидан етти қадам олдинда юрган.

Умуман олганда, «Даҳо» (Пуанкаре) спектакли жаҳон саҳналарида ҳам бемалол намойиш этилиши мумкин бўлган асар, десак хато бўлмайди. Дарҳақиқат, драматург, режиссёр, актёр-актрисалар, қолаверса, бутун ижодий жамоа томонидан томошабинлар учун замонамизнинг долзарб муаммолари кўтарилган саҳна асари яратилган. Ўйлаймизки, уни томоша қилган ҳар бир киши ёнгинасидаги у сал дарвешроқ деб билган одам аслида илм-фан ёки касб-соҳа фидойиси, уни тушуниш, қўллаб-қувватлаш эса олижаноблик эканини англаб етади.

Ситора ТОЖИДДИНОВА

Санъат

Ўзбекистон давлат консерваторияси Камер залида катта ўқитувчилар Тоҳир Фозилов ва Виталий Лазеревлар раҳбарлигида концерт дастури намойиш этилди.

ЖАҲОН ДУРДОНАЛАРИ ЁШЛАР ИЖРОСИДА

"Ҳаётнинг бошланиши" деб номланган мазкур медиа лойиҳа Халқаро танловлар лауреати Георгий Дмитриев ва жўрнавоз Шахворостова ижросида В.А.Моцартнинг "Харамдан ўғирланиш" операсидан ария билан бошланди.

А.Катоццининг туба ва фортепиано учун ёзилган асарини "Санъат ғунчалари" танлови лауреати Асрор Ҳасанов, В. Моцартнинг "Харамдан ўғирланиш" операсидан Констанция ариясини Асмик Арутюнянц, ижро этди.

Айдос Ерниязова Моцартнинг валторна ва оркестр учун иккинчи концертини биринчи қисмини валторнада маҳорат билан ижро этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Дастур ушбу муаллифнинг туба учун ёзилган асари билан якунланди. Асарни республика танлови лауреати Виталий Лазарев ижро этди.

Ёшларни классик мусиқа дурдоналари билан таништиришда бу каби концертлар, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга.

Аҳрор АБДУЛЛАЕВ

Эй фарзанд,

Киши ўз бошига қандай иш тушишини билмайди, бундай вақтда илм ва ҳунар кунига ярайди. Демак, фарзандингга илм, ҳунар ўргатишда камчиликка йўл қўймагил ва ҳар бир илмни ўргатишда муаллимлар таълим учун урсалар, сен фарзандингни аямагил...

Агар сен хоҳ унга одоб ўргатгил, хоҳ ўргатмагил, турмуш машаққатларининг ўзи унга ўргатади.

"ҚОБУСНОМА"дан

Дунё ҳикматлари

ТАҚДИР ҚИСМАТ ҚАРТАЛАРИНИ ЧИЙЛАЙДИ. БИЗ ЭСА ЙИНАЙМИЗ

Артур ШОПЕНҲАУЭР (1788-1860), немис файласуфи

Эркинлик шуки, барча ишни қилиш мумкин, фақат бировга зиёнинг тегмаса бас.

* * *

Қийинчиликларни енгиб ўтиш — тирикликдан тўлиқ баҳраманд бўлмоқликдир.

* * *

Соф ва ҳақиқий муҳаббат — ҳамдардлик, ҳамдардликсиз ҳар қандай муҳаббат — худбинликдир.

* * *

Барча хоҳиш-истак эҳтиёждан, демак — камчилик ва изтиробдан келиб чиқади.

* * *

Ўта бебахт бўлмасликнинг энг ишончли йўли — ўта бахтли бўлишдан воз кечмоқликдир.

* * *

Ҳамма бало шундаки, биз ёлғиз қола олмаймиз.

* * *

Атроф-муҳит бир хил бўлса ҳам, ҳар ким бошқа-бошқа оламда яшайди.

* * *

Ўртамиёна қобилият эгаси камтарлик қилса — софдиллик, буюк истеъдод соҳибларинки эса — муғомбирликдир.

* * *

Пул худди дарё сувига ўхшайди. Қанча ичганинг сайин, шунча ташна бўлаверасан.

* * *

Бахт-омад — сабр-қаноатдадир. Зеро, бахт-омад ва роҳат-фароғатнинг барча зоҳирий манбалари, ўз табиатига кўра, ўта ишончсиз, хатарли, ўткинчи ва тасодифларга маҳкумдир.

* * *

Ҳаёт — туш, уйқу, ўлим эса уйғонишдир.

* * *

Қувноқлик, шодонлик кириб келиши билан эшик, дарвозаларни ланг очмоғимиз лозим, чунки у ҳеч қачон бемаврид келмайди.

* * *

Умримизнинг дастлабки қирқ йили матн бўлса, кейинги ўттиз йили — унга изоҳлардир.

* * *

Дўст ростгўйман дейди, аслида эса душман шундай.

* * *

Ёввойилар бир-бирини ебғажиса, ювошлар бир-бирини алдайди.

* * *

Хушмуомалалик гўё пуфлаб шиширилган резина ёстиқ: унинг ичида ҳеч вақо бўлмаса-да, ҳарҳолда турмуш зарбаларини юмшата олади.

* * *

Яхши нутқ оддий сўзлар воситасида ажойиб, фавқулодда фикрларни айта олишдир.

* * *

Инсон қанчалик жиддий бўла олса, у шунчалик самимий кула олади.

* * *

Ҳар қандай эси йўқ бола қўнғизни босиб ўлдира олади. Бироқ дунёнинг барча профессорлари бир бўлса ҳам, уни ярата олмайди.

* * *

Кам сонли одамлар каби ўйлаб, кўпчилик сингари сўйлаш лозим.

* * *

Дўстингга қарз бергандан кўра бермаган яхшироқ, шундагина дўстликка путур етмайди.

* * *

Маъноли фикрларни ҳар бир киши тушуна оладиган қилиб ифодалашдан қийини йўқ.

* * *

Исботлашдан кўра инкор этишдан — тиклашдан кўра йиқитишдан осони йўқ.

* * *

Китобларсиз камина аллақачоноқ умидсиз, тушкун бир ҳолатга тушиб қолган бўлардим.

* * *

Фикрлашга камдан-кам одам мойил, лекин ҳамма ўзини ҳақ деб ҳисоблайди.

* * *

Душманинг билиши лозим бўлмаган нарсани дўстингга айтма.

Немис тилидан Мирзаали АКБАРОВ таржимаси.

Йўғе...

ОҚИБАТЛИ ТЎП

— Рақиблар тепган тўп пахтакорчилар жарима майдонида — ҳавода бироз муаллақ турди-турди-да, ҳимоячилар етиб келавермагач, "бор-ей", дегандек дарвозага кириб кетди. Ҳалиям оқибати бор экан-а!

— Йўғе!

ИККИНЧИ ҚАВАТДАГИ ЎЙИНЧИЛАР

— "Пахтакор"нинг иккинчи қаватдаги ўйинчилари бу гал яхши тўп суролмади.

— Суролмайдиям.

— Нега?

— Иккинчи қаватда қандай қилиб тўп суриши мумкин? Яхши ўйин кўрсатишлари учун улар пастга тушиб, ҳимоя, ярим ҳимоя ва ёки ҳужум марраларида тўп суришлари керак.

— Йўғе...

АРАЗЧИ ТЎП

— Тўп билан муомала қилишда пахтакорчиларда ҳалиям малака етишмаяпти. Футболчиларимиз уни жаҳл билан тепгани учун дарвозага эмас, араздлаб, майдон ташқарисига чиқиб кетяпти.

— Йўғе...

ХОРИЖДА ЧОЙХОНА ЙЎҚ-ДА...

— Эшитдингизми? пахтакорчилар сафарда яхши натижалар кўрсатишга аҳд қилишибди.

— Тўғри, натижа яхши бўлишига мен ҳам ишонаман.

— Сабаб?

— Чунки, хорижда чойхона йўқ-да!

— Йўғе...

ОМАД

— Кейинги пайтларда пахтакорчиларга омад қулиб боқмаяпти.

— Уям хафа бўлгандир-да?

— Йўғе...

Мухлисбек ХАФАЕВ

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил: info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
Гулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 233-67-51; **Тел-факс** 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими:
Тел:233-36-02.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят мухбирларининг телефон рақамлари:
Нукус — (+99891)-384-41-61,
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«O'zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.**

Навбатчи: Жобир Хўжақулов

Топшириш вақти — 20 ^{00}
Топширилди — 19 ^{00}

Адади: 6062 Буюртма — J-7284 1 2 3 4 5